



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 28 » aprel

№ 206

Toshkent sh.

### **Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 ноябрдаги ПФ–224-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, аграр ва озиқ-овқат соҳалари учун субсидия ажратиш тизимини такомиллаштириш ҳамда мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### **1. Куйидагилар:**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар ҳамда мол ва қўй гўшти учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги техникаси ва лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат қийматининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Пахта ва бошоқли дон, картошка, мева ва узум экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олиш харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Мева, узум ва лимон кўчатларини харид қилиш ҳамда кўчатларни шпалерга кўтариш харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Иссиқхона хўжаликларига иссиқхоналарни кўмир қозони ва электр энергиясида иситиш қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилишда кредит ва лизинг фоизларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ;

Озиқ-овқат саноати корхоналарида халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш, лабораторияларга зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 9-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси совиткичли сиғимлар уюшмасига аъзо субъектларга совиткичли сиғимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида совиткичли сиғимларнинг электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 10-иловага мувофиқ;

Иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассислари ҳамда маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 11-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларига лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан ер текислаш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 12-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 13-иловага мувофиқ;

Сув иншоотларини қуриш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 14-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 15-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 16-иловага мувофиқ;

Паррандачилик хўжаликларига фақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан гўшт йўналишида наслдор бир кунлик жўжалар хариди учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 17-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, 2026 йилдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда – субъектлар) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари (кейинги ўринларда – субсидиялар) ушбу қарорга 1–17-иловаларда келтирилган низомлар талабларига мувофиқ тақдим этилади.

Бунда субъектлар томонидан субсидия олиш учун ишлар 2026 йилга қадар амалга оширилган бўлса, ушбу ишлар бўйича субсидиялар мазкур қарорга 1–17-иловаларда келтирилган низомлар талабларига мувофиқ ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг олдинги йилларда субсидия ажратилмагани тўғрисидаги хулосалари асосида ажратилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ушбу қарорга 1–17-иловаларда келтирилган низомларда назарда тутилган субсидияларни олиш юзасидан ариза билан мурожаат қилинган ёки қилинадиган ҳолатда, бироқ 2026 йил 1 январга қадар ажратилмай қолган субсидияларни, истисно тариқасида, Агентлик томонидан ажратишга рухсат берилсин. Бунда:

ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра масъул вазирлик ва идоралар томонидан субсидия ажратиш учун Агентликка талабномалар киритилади ҳамда Агентлик томонидан ушбу талабномалар асосида субсидиялар 2026 йил 1 январга қадар амалда бўлган тартибларга мувофиқ субъектларга тўлаб берилади;

ушбу субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги учун масъул вазирлик ва идоралар жавобгар ҳисобланади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йилдан бошлаб:

субъектлар томонидан аризада ёлғон ёки сохта маълумотлар тақдим этилганда ва уларнинг айби билан субсидия ажратилгани аниқланганда;

субъектлар ушбу қарорга 1–17-иловаларда келтирилган низомларда белгиланган мажбуриятларни субсидия олингандан кейин бажармаганда;

субъектларнинг айби билан субсидиялардан самарасиз ёки мақсадсиз фойдаланилганда, субъектларнинг субсидия олиш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланади ҳамда ушбу муддат давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилмайди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда субсидия олиш имконияти чекланган субъектлар реестрини шакллантирсин ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформасида унинг доимий юритиб борилишини таъминласин.

Субсидиялар субъектларга ҳар бир йўналиш тури бўйича алоҳида махсус ҳисобварақларни (23210...) очиш орқали ажратилади.

5. Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар учун субсидия ажратиш тартиби ушбу йўналишларда ўзини ўзи банд қилган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

6. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ушбу қарорга 1–17-иловаларда келтирилган низомларда назарда тутилган субсидиялар бўйича зарур маълумотлар ва хулосаларни Агентликка бепул тақдим этиб борсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси, Марказий банк ва тижорат банклари билан биргаликда Агентлик томонидан ажратиладиган ҳар бир субсидия ҳисобини юритиш ва назорат қилиш учун субъектларга ушбу қарорга 18-иловага мувофиқ йўналишларда ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлар очилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 19-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 20-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига пахта, донли, сабзаёт экинлари ва картошка, полиз, озуқабоп, мойли, дуккакли, мевали экинлар, доривор ўсимликлар, узум ва шоли (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**масъуллар** – ҳар бир туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари ҳамда “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбари;

**мустақил эксперт** – талабгор томонидан ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганувчи ҳамда субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан хулоса берувчи тегишли ҳуқуқларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

**субсидия** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига улар томонидан жорий қилинган ёки ўз маблағлари ҳисобидан жорий қилинадиган сувни тежайдиган суғориш технологиялари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилган, юридик шахс мақомига эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар;

**“Tomchi-reestr” ЯЭР** – Сув хўжалиги вазирлиги томонидан юритиладиган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ишлари билан шуғулланувчи курувчи-пудрат ташкилотларининг ягона электрон реестр;

**курувчи-пудрат ташкилоти** – марказий бошқарув офисига эга бўлган ҳамда лойиҳа амалга оширилган ҳудудда сервис хизмати ёки савдо шохобчасини ташкил қилган ва маҳсулотлар захираси яратган юридик шахс.

3. Субсидия Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва технология туридан қатъи назар, ҳар бир контурга жорий қилинган технология учун фақат бир мартаба ажратилади.

Талабгорга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисми ушбу Низомга 1-иловада белгиланган субсидиялар миқдорига асосан қоплаб берилади.

4. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

5. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар келгуси йилда субсидия ажратиш мақсадида ҳудудлар кесимида ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тури бўйича жорий қилинадиган сувни тежайдиган суғориш технологиялари прогноз кўрсаткичларини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган прогноз кўрсаткичларни ўрганиб чиқади ҳамда бюджет параметрларини шакллантиришда инobatга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутади.

6. Талабгорларнинг асосланган таклифларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тегишли ҳудуд бўйича прогноз кўрсаткичларига ушбу Низомнинг 5-банди биринчи хатбошисида белгиланган кетма-кетликда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7. Субсидия ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ Агропортал орқали ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

8. Талабгор субсидияни олиш учун ўзига тегишли экин ер майдонларини контурлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари кесимида белгиланган тартибда Агропорталга киритган бўлиши лозим.

9. Талабгор субсидия ажратилиши учун Агропортал орқали электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади ва ариза масъуллар томонидан кўриб чиқилади.

10. Талабгор аризага куйидагиларни илова қилади:

сувни тежайдиган суғориш технологиясини куриш бўйича “Tomchi-reestr” ЯЭРга киритилган курувчи-пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси;

лойиҳа хужжати ва курилиш ишлари якунлангани тўғрисидаги далолатнома нусхаси;

иш бажарилган контурларнинг маълумотлари (худуди ва локацияси аниқ кўрсатилади).

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган хужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

11. Ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, масъуллар томонидан талабгорнинг аризасини қабул қилиш рад этилади.

12. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган хужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, масъуллар ариза тушган кундан эътиборан беш иш кунида:

талабгор ва курувчи-пудрат ташкилоти вакили иштирокида жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг тўлиқ ишлаш жараёнини жойида ўрганади;

сувни тежайдиган суғориш технологияси сифатли курилган, тўлиқ ишга туширилган бўлса ва белгиланган техник талабларга жавоб берса, ҳисобланган субсидиянинг Агропортал орқали ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тайёрланган хулосани электрон имзо билан тасдиқлайди ва Агропортал орқали Агентликка юборади.

13. Масъуллар томонидан талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулоса расмийлаштирилгандан сўнг хулоса бир иш кунида Агентликка субсидия ажратиш учун Агропортал орқали белгиланган тартибда юборилади.

14. Масъуллар томонидан талабгорнинг аризаси беш иш кунида кўриб чиқилмаганда ёки тегишли хулоса расмийлаштирилмаганда, масъулларнинг хулосаси ижобий деб қабул қилинади ва субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан жавобгарлик масъуллар зиммасига юкланади.

Бунда ушбу ариза Агропортал орқали автоматик равишда тўғридан тўғри Агентликка юборилади.

15. Масъуллар талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи – талабгорларнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризалари ўз вақтида жойида тўлиқ ўрганилишига ва расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига, дискрет суғориш технологияси жорий қилинган майдонлар лазер ускунали ер текислагичлар орқали сифатли текисланганига, субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва мувофиқлаштиришга, сувни тежайдиган суғориш технологияси жорий қилинган майдоннинг ўлчами, контур рақами ва экин турини аниқлашга;

сувни тежайдиган суғориш технологияларининг жорий этилгани юзасидан расмийлаштирилган хулосанинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига;

“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбари – талабгорлар иштирокида жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг тўлиқ ишлаш жараёнини, жорий қилинган технология тури ва унинг сифат кўрсаткичларини ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ аниқлашга.

16. Ўрганиш натижаларига кўра сувни тежайдиган суғориш технологиялари талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ бўлмаганда, сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда масъуллар беш иш кунини аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда, субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш рад этилгани ҳақида Агропортал орқали талабгорга маълум қилади.

Бунда масъуллар субсидия ажратишни рад этишга сабаб бўлган барча камчилик ва ҳолатларни дастлабки хулосада кўрсатиши шарт.

Талабгор аризаси бўйича субсидия ажратилиши рад этилишига сабаб бўлган камчиликлар тўлиқ бартараф қилгандан сўнг субсидия ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

Талабгор субсидия ажратилиши рад этилиши юзасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

17. Агентлик хулосани уч иш кунини сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилганлигини аниқлаш мақсадида Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигига (кейинги ўринларда – “Ўзбеккосмос” агентлиги) ва мустақил экспертга талабнома юборади.

Талабномада талабгорнинг ишлар бажарилган контурларнинг маълумотлари (худуди, локацияси) аниқ кўрсатилади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги (ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида) ва мустақил эксперт беш иш кунини талабнома асосида бажарилган ишлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар акс эттирилган хулосани Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги ва мустақил эксперт талабномада кўрсатилган ишлар бажарилганда ижобий, ишлар қисман бажарилган ёки умуман бажарилмаган тақдирда салбий хулоса беради.

Бунда “Ўзбеккосмос” агентлигида тегишли контурлар бўйича космосдан тасвирга олинган айрим маълумотлар мавжуд бўлмаса, тегишли маълумотлар мавжуд эмаслигини ўзининг хулосасида маълум қилади.

Агар “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан маълумот тақдим этилмаса, субсидия мустақил эксперт хулосаси асосида ажратилади.

18. Агентлик бир иш кунда масъуллар, “Ўзбеккосмос” агентлиги ва мустақил эксперт ижобий хулосаси ва маълумотларига мувофиқ Агропортал орқали ҳисоб-китоб қилинган субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварақларига ўтказиб беради.

### **3-боб. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини ўз маблағлари ҳисобидан жорий қиладиган талабгорларга субсидия ажратиш**

19. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини ўз маблағи ҳисобидан жорий қилган талабгорга белгиланган ҳисоб-китобларга асосан субсидиянинг 50 фоизи олдиндан тўлаб берилади.

Бунда субсидия миқдори ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда лойиҳани амалга ошириш бўйича таъминотчи корхона билан тузилган шартномалардан келиб чиқиб, ушбу Низомга 3-иловадаги сифатлилик даражасини белгиловчи коэффициентлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

20. Талабгор субсидия ажратилиши учун Агропортал орқали масъулларга ариза билан мурожаат қилади ва аризага қуйидагилар илова қилинади:

ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари;

сувни тежайдиган суғориш технологиясини қуриш бўйича “Tomchi-reestr” ЯЭРга киритилган қурувчи-пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси;

иш бажариладиган контурларнинг маълумотлари (худуди ва локацияси аниқ кўрсатилади).

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

21. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, масъуллар томонидан талабгорнинг аризасини қабул қилиш рад этилади.

22. Талабгор аризаси бўйича субсидия ажратилиши рад этилишига сабаб бўлган камчиликларни тўлиқ бартараф қилгандан сўнг субсидия ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиши мумкин.

23. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган хужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, масъуллар ариза тушган кундан эътиборан уч иш кунида ҳисобланган субсидиянинг Агропортал орқали ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тайёрланган хулосани электрон имзо билан тасдиқлайди ва Агропортал орқали Агентликка юборади.

24. Масъуллар томонидан талабгорнинг аризаси уч иш кунида кўриб чиқилмаганда ёки тегишли хулоса расмийлаштирилмаганда, масъулларнинг хулосаси ижобий деб қабул қилинади ва субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан жавобгарлик масъуллар зиммасига юкланади.

Бунда ушбу ариза Агропортал орқали автоматик равишда тўғридан-тўғри Агентликка юборилади.

25. Агентлик бир кун муддатда масъулларнинг ижобий хулосасига асосан субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

26. Масъуллар субсидия ажратилган талабгорнинг белгиланган тартибда сувни тежайдиган суғориш технологияси қурилиши ва ишга туширилиши бўйича доимий мониторинг юритади.

27. Мониторинг натижаларига кўра талабгор субсидиянинг дастлабки 50 фоизи тўлаб берилганидан сўнг икки ой муддат ичида технологиялар ўрнатилиб ишга туширилмаганда, масъуллар ажратилган субсидияни белгиланган тартибда қайтариш бўйича огоҳлантиради ва субсидияни ушбу Низомда белгиланган тартибда қайтариш чоралари кўрилади.

28. Сувни тежайдиган суғориш технологиялари лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ ўрнатилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг ҳисоб-китоб қилинган субсидиянинг қолган 50 фоизи талабгорга ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схема асосида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

#### **4-боб. “Tomchi-reestr” ЯЭРни шакллантириш ва рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш**

29. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича қурувчи-пудрат ташкилотлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар “Tomchi-reestr” ЯЭРга қуйидаги белгиланган мезонлар асосида тегишли хужжатларни онлайн тарзда киритади:

ташкилот томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани ёки хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг расмий дилерлик гувоҳномаси (агар қурувчи-пудрат ташкилоти хорижий ишлаб чиқарувчининг расмий дилерлик мақомига эга бўлса, Ўзбекистонда дилерлик маркази ва маҳсулотлар базасини ташкил қилиши лозим);

солиқ қарзи ва йиғимлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ҳисоботларининг тўлиқ тақдим этилгани;

Солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтида солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган ташкилотлар рўйхатида мавжуд эмаслиги;

лойиҳани амалга ошириш учун соҳа бўйича олий маълумотли мутахассислар, жумладан, лойиҳачи, муҳандис ва агроном билан таъминланганлик даражаси (лойиҳа амалга ошириладиган ҳар бир ҳудуд учун 2 нафар лойиҳачи, 2 нафар агроном ва 6 нафар муҳандис);

соҳага алоқадор олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани;

лойиҳалар амалга оширилган ҳудудларда савдо шохобчаси ва сервис-хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилгани.

Бунда “Tomchi-reestr” ЯЭР платформасига киритилган ҳужжатларнинг тўғрилигига қурувчи-пудрат ташкилотлар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

30. Сув хўжалиги вазирлиги “Tomchi-reestr” ЯЭРдан ўтган қурувчи-пудрат ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичини юритади.

31. Қуйидагилар рейтинг кўрсаткичларининг асосий мезонлари этиб белгиланади:

қурувчи-пудрат ташкилотлари томонидан технологияларни жорий қилиш ишлари лойиҳа асосида амалга оширилгани;

сувни тежайдиган суғориш технологияларининг қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида тўлиқ жорий этилгани;

қурувчи-пудрат ташкилотлари томонидан лойиҳа амалга оширилган ҳудудларда савдо шохобчаси ташкил этилганлиги ва сервис хизмати йўлга қўйилгани;

лойиҳани амалга ошириш учун олий маълумотли, жумладан, лойиҳачи, муҳандис ва агроном билан таъминланганлик даражаси;

соҳага алоқадор олий ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани;

қурувчи-пудрат ташкилотлари ўртасида ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани;

сувни тежайдиган суғориш технологияларидан фойдаланиш бўйича буюртмачилар томонидан эътирозлар мавжуд эмаслиги.

32. Рейтинг баллари қуйидагилардан шакллантирилади:

тегишли рейтинг кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган қурувчи-пудрат ташкилотлари аниқланади;

ҳар бир мезон бўйича кўрсаткич баллар йиғиндисидан иборат бўлади;

ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси қурувчи-пудрат ташкилотлари рейтингини ифодалайди.

33. Қурувчи-пудрат ташкилотлари рейтинг натижалари ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ тоифаларга бўлинади.

34. Қуйидаги ҳолларда қурувчи-пудрат ташкилотлари рейтингдан чиқарилади:

қурувчи-пудрат ташкилотларининг тўплаган баллари йиғиндиси 60 баллдан паст бўлганда;

қурувчи-пудрат ташкилотлари томонидан Сув хўжалиги вазирлигига рейтингдан ихтиёрий чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

лойиҳа амалга оширилган ҳудудда буюртмачилар томонидан “Tomchi-reestr” ЯЭР орқали технологиядан фойдаланиш бўйича шикоятлар ва аризалар юборилиб, ушбу камчиликлар беш кун муддатда бартараф этилмаганда (камчиликлар ўз вақтидан кечикиб бартараф этилса, корхона 3 ой муддатга реестрдан четлатилади);

тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги, шунингдек, ҳужжатларда ҳақиқий бўлмаган маълумотлар аниқланганда.

#### **5-боб. Сувни тежайдиган суғориш технологияларидан фойдаланиш юзасидан назорат олиб бориш**

35. Субсидия олган талабгорлар сувни тежайдиган суғориш технологиялар 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.

Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонга лойиҳада белгиланган экиндан бошқа экин жойлаштирилганда, ушбу экинни суғоришда мавжуд сувни тежайдиган суғориш технологияларидан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда, унинг асосий қисмидан (сув тиндиргич, насос станцияси, фильтрлар, сувни етказувчи ва тақсимловчи қувур тармоғи ва бошқа асосий қисмларидан) фойдаланиш лозим бўлади.

Бунда мавжуд сувни тежайдиган суғориш технологияларини ишлатмай, анъанавий суғориш усулида (экин майдонида ўқ ариқ ва шох ариқлар олиб, эгат билан суғориш) суғоришга йўл қўйилмайди (шўр ювиш, яхоб ва нам суви бериш бундан мустасно).

Сувни тежайдиган суғориш технологияларидан фойдаланиш экилган экинни суғориш учун эҳтиёж бўлмаганда, электр энергияси ва сув таъминотида узилишлар бўлганда, уларни таъмирлаш даврида, шунингдек, бошқа форс-мажор ҳолатларда вақтинча тўхтатилиши мумкин.

36. Агар жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ёки уларнинг асосий қисмларидан суғориш мавсумида камида 30 календарь кун давомида фойдаланилмаган ҳолатлар аниқланса, ажратилган субсидия қуйидагича тартибда қайтарилади:

иккинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 80 фоизи;  
 учинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 60 фоизи;  
 тўртинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 40 фоизи;  
 бешинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 20 фоизи.

37. Субсидия олиб жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат масъуллар, Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда – “Сувхўжаликназорат” инспекцияси) худудий бошқармалари ҳамда жамоатчилик томонидан амалга оширилади.

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси субсидия олиб жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ёки уларнинг асосий қисмидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик ҳолати аниқланса, талабгорга ушбу Низомнинг 35-бандида белгиланган субсидия миқдорини Агентликка (тегишли шахсий ғазна ҳисобварағини кўрсатган ҳолда) қайтариш тўғрисида огоҳлантириш хати беради.

38. Жамоатчилик томонидан сувни тежайдиган суғориш технологияларидан суғориш мавсумида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса, бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали қайд этилиши (ёзиб олинishi) ва икки кун муддатда масъулларга тақдим қилиниши мумкин.

Бунда сувни тежайдиган суғориш технологияларидан фойдаланиш ҳолати қайд этилган сана, худуд (фермер хўжалиги ёки кластер ташкилоти) номи, жорий қилинган майдондаги экин тури кўрсатилиши лозим.

Видеоёзувлар электрон рақамли имзо ёки геолокация билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Жамоатчилик томонидан юборилган маълумотларнинг тўғрилигига ушбу маълумотни юборган жисмоний шахс масъул ҳисобланади.

39. Масъуллар жамоатчилик томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича келиб тушган видеоёзувларни қабул қилингандан сўнг уч иш кунида талабгорлар ёки уларнинг ваколатли ходими иштирокида ўрганади.

Агар сувни тежайдиган суғориш технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик ҳолати тасдиқланса, бу ҳақида масъуллар тегишли далолатномани расмийлаштиради.

Жамоатчилик томонидан тақдим қилинган маълумотлар ўз тасдиғини топмаган тақдирда, масъуллар уч кун муддатда мурожаат қилган жисмоний шахсга ёзма маълумот тақдим қилади.

40. Масъуллар жамоатчилик томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида тузилган далолатномага мувофиқ талабгорга ушбу Низомнинг 35-бандида белгиланган субсидия миқдорини тегишли шахсий ғазна ҳисобварағини кўрсатган ҳолда Агентликка қайтариш тўғрисида огоҳлантириш хати беради.

41. Масъуллар субсидияни қайтариш бўйича талабгорларга юборилган барча огоҳлантириш хатларининг нусхаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборади.

42. Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига маълумот юборилади ёки судга даъво аризаси киритилади.

43. Талабгор томонидан қайтариладиган ёки суд тартибида ундириладиган маблағлар Агентликнинг тегишли шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилади.

Ушбу маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

масъуллар ёки “Сувхўжаликназорат” инспекцияси томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича қайтарилган субсидиялар тўлиқ – Агентликка, кейинчалик ушбу йўналишдаги субсидияларни қайта молиялаштиришга;

жамоатчилик томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича – талабгорлардан ундирилган субсидиянинг беш фоизи сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ўрнатилган тартибда фойдаланмаслик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантиришга, қолган қисми Агентликка кейинчалик ушбу йўналишдаги субсидияларни қайта молиялаштиришга.

44. Масъуллар экинларни суғориш мавсумида сувни тежайдиган суғориш технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳар чоракда камида бир марта назорат қилади.

45. “Сувхўжаликназорат” инспекциясининг ҳудудий бошқармаси сувни тежайдиган суғориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назоратни иш режаси бўйича амалга оширади.

### **6-боб. Яқунловчи қондалар**

46. Агентлик томонидан ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Агентликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

47. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

48. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини  
етиштирувчиларнинг сувни тежайдиган суғориш  
технологияларини жорий этиш бўйича  
харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби  
тўғрисидаги низомига  
1-илова

**Субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдорлари тизим жорий этилган  
экин майдонининг ҳар бир гектари учун қуйидагича белгиланади\*:**

Сувни тежайдиган суғориш тизими тури	Пахта	Донли экинлар	Сабзавот экинлари ва картошка	Полиз экинлари	Озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар	Мевали экинлар	Узум, тутзорлар	Шоли	МИНГ СЎМ
Томчилатиб суғориш	8 000 **	8 000	8 000	1 300	2 500 ****	6 000	8 000	8 000	
Кенг қамровли ва мобиль суғориш тизими	х	8 000 ***	8 000	х	2 500 ****	х	х	8 000 *****	
“Спринклер” тизими	х	8 000 ***	8 000	х	2 500 ****	х	х	8 000 *****	
Дискретли суғориш	4 000	4 000	х	х	х	х	х	х	

\* Сув билан барқарор таъминланмаган ҳудудда жойлашган суғориладиган ер майдонларида сувни тежовчи суғориш технологиялар жорий қилинганда,  
ажратиладиган субсидиялар 1,25 оширувчи коэффициент қўлаган ҳолда ҳисобланади.

\*\* Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги пахта майдонларида жорий этилган томчилатиб суғориш тизимлари учун субсидиялар 12 000 минг  
сўм этиб белгиланади.

\*\*\* Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги донли экинлар етиштириш майдонларида жорий этилган кенг қамровли ҳамда “спринклер”  
тизимлари учун субсидиялар 9 000 минг сўм этиб белгиланади.

\*\*\*\* Озуқа экин ер майдонларида томчилатиб суғориш, кенг қамровли ва мобил суғориш ҳамда “спринклер” тизимларини жорий этган чорвачилик  
хўжаликларига субсидиялар 8 000 минг сўм этиб белгиланади.

\*\*\*\*\* Субсидиялар фақат Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг  
сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий  
этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш бўйича  
харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича талабгорлар субсидия ажратиш учун масъулларга Агропортал орқали муурожаат қилади.	Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилингандан сўнг
2-босқич	Масъуллар	<p>Пудрат ташкилоти “Tomchi-reestr” ЯЭРдан ўтганлигини текширади.</p> <p>Талабгорлар ва қурувчи – пудрат ташкилотлари вакили иштирокида жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг тўлиқ ишлаш жараёнини жойида ўрганади.</p> <p>Технология сифатли қурилган, тўлиқ ишлаган бўлса ва белгиланган техник талабларга жавоб берса, Агропортал орқали субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тайёрланган хулосага электрон имзо қўяди.</p> <p>Ўрганиш натижаларига кўра сувни тежайдиган суғориш технологиялари талабгорлар томонидан тақдим этилган хужжатларга мувофиқ бўлмаганда, сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда ёки бошқа камчиликлар аниқланганда, масъуллар уч кун ичида аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан хулосани Агропортал орқали талабгорларга маълум қилади.</p>	5 иш кунида
3-босқич	Масъуллар	Талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар расмийлаштирилгандан сўнг Агропортал орқали Агентликка юборилади.	1 иш кунида

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати
4-босқич	Агентлик	Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилганлигини аниқлаш мақсадида “Ўзбеккосмос” агентлигига ва мустақил экспертга талабнома юборади.	3 иш кунда
5-босқич	“Ўзбеккосмос” агентлиги ва мустақил эксперт	“Ўзбеккосмос” агентлиги ва мустақил эксперт талабномада кўрсатилган ишлар бажарилган тақдирда ижобий, ишлар қисман бажарилган ёки умуман бажарилмаган тақдирда, салбий хулоса беради. Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.	5 иш кунда
6-босқич	Агентлик	Агентлик масъуллар ва “Ўзбеккосмос” агентлиги ижобий хулосаларига мувофиқ талабгорнинг қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Агропортал орқали ҳисоб-китоб қилинган субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.	1 иш кунда

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Томчилатиб суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффицентни ҳисоблаш**

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
<b>Пахта ва бошоқли дон экинлари</b>		
1.	Ҳовуз-гиндиргич	*
1.1.	Бетон ёки темир-бетон қопламали	0,15
1.2.	Геомембрана қопламали (қалинлиги $\geq 1$ мм)	0,1
1.3.	Бир мавсумли плёнка билан қопланган	0,05
1.4.	Тупроқ ўзанли (қопламасиз)	0,02
2.	Насос станцияси	0,15
3.	Филтрлаш қурилмаси	*
3.1.	Гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, диски ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,35
3.2.	Диски ёки сеткали, тозаланиши автоматлаштирилган қумли филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,25
3.3.	Гидроциклонли, диски ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,15
4.	Бош (магистрал) қувурлар	*
4.1.	Қалин деворли (қалинлиги $>5,3$ мм ёки босимга чидамлилиги $>6,0$ атмосфера)	0,3
4.2.	Ўртача қалин деворли (қалинлиги $3,4 - 5,2$ мм ёки босимга чидамлилиги $4,0 - 5,9$ атмосфера)	0,25
4.3.	Юпқа деворли (қалинлиги $2,7 - 3,3$ мм гача ёки босимга чидамлилиги $2,5 - 3,9$ атмосфера)	0,2
5.	Тарқатувчи қувурлар (мевали экинлар ва узумдан ташқари)	*
5.1.	Қалин деворли (қалинлиги $>2,7$ мм ёки босимга чидамлилиги $>2,4$ атмосфера)	0,3
5.2.	Ўртача қалин деворли (қалинлиги $1,4 - 2,6$ мм ёки босимга чидамлилиги $1,9 - 2,4$ атмосфера)	0,25
5.3.	Юпқа деворли (қалинлиги $0,75 - 1,3$ мм ёки босимга чидамлилиги $1,2 - 1,8$ атмосфера)	0,2
6.	Тарқатувчи қувурлар (мевали экинлар ва узум учун)	*
6.1.	Қалин деворли (қалинлиги $\geq 3,1$ мм)	0,25
6.2.	Ўртача қалин деворли (қалинлиги $2,8 - 3,1$ мм)	0,2
6.3.	Юпқа деворли (қалинлиги $0,75 - 2,7$ мм)	0,15
7.	Томизгичли суғориш шланглари (мевали экинлар ва узумдан ташқари)	*
7.1.	Қалин деворли (қалинлиги $\geq 0,3$ мм)	0,4
7.2.	Ўртача қалин деворли (қалинлиги $0,15 - 0,29$ мм)	0,35
7.3.	Юпқа деворли (қалинлиги $\leq 0,14$ мм)	0,3
7.4.	Тупроқости суғоришга мўлжалланган шланглар	0,5
8.	Томизгичли суғориш шланглари (мевали экинлар ва узум учун)	*
8.1.	Қалин деворли (қалинлиги $>0,7$ мм)	0,4
8.2.	Ўрта деворли (қалинлиги $0,3 - 0,7$ мм)	0,35

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
8.3.	Юпқа деворли (қалинлиги	0,3
9.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,15
10.	Томизғичли шланг тарқатувчи ва йиғиштирувчи ускуна	0,05
11.	Сув ҳисоблагич	0,1
12.	Ҳовуз атрофини темир панжара (евробон) билан ўраш	0,1
Жами:		**

\* ушбу қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

\*\* мевали экинлар ва узумдан ташқари экин турлари учун: 1, 2, 3, 4, 5, 7, 9, 10 ва 11 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб аке эттирилади;

мева экинлар ва узум учун: 1, 2, 3, 4, 6, 8, 9 ва 11 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшилиб аке эттирилади.

### Ёмғирлатиб суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффицентни ҳисоблаш

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	Ҳовуз-гиндиргич	*
1.1.	Бетон ёки темир-бетон қопламали	0,15
1.2.	Геомембрана қопламали (қалинлиги $\geq 1$ мм)	0,1
1.3.	Бир мавсумли плёнка билан қопланган	0,05
1.4.	Тупроқ ўзанли	0,02
2.	Насос станцияси	0,15
3.	Филтрлаш қурилмаси	*
3.1.	Гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган кумли, диски ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,35
3.2.	Диски ёки сеткали, тозаланиши автоматлаштирилган кумли филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,25
3.3.	Гидроциклонли, диски ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,15
4.	Сув тарқатувчи тизимлар	*
4.1.	Кенг қамровли суғориш тизими	0,8
4.2.	“Спринклер” тизими	0,8
4.3.	Мобил суғориш тизими	0,7
5.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,15
6.	Сув ҳисоблагич	0,1
Жами:		**

\*мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

\*\*1, 2, 3, 4, 5 ва 6 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб аке эттирилади.

### Дискретли суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффицентни ҳисоблаш

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	Насос станцияси	0,2
2.	Бош (магистрал) қувурлар	*
2.1.	Қалин деворли ( $\geq 2$ мм) бир қаватли	0,35
2.2.	Қалин деворли ( $\geq 2$ мм) икки қаватли	0,5
2.3.	Ўртача қалин деворли (1-2 мм) бир қаватли	0,3

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
2.4.	Ўртача қалин деворли (1-2 мм) икки қаватли	0,45
2.5.	Юпқа деворли ( $\leq 1$ мм) бир қаватли	0,25
2.6.	Юпқа деворли ( $\leq 1$ мм) икки қаватли	0,4
3.	Тарқатувчи қувурлар	*
3.1.	Қалин деворли ( $\geq 0,3$ мм)	0,5
3.2.	Юпқа деворли (	0,45
4.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,15
5.	Сув ҳисоблагич	0,1
Жами:		**

*\*мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;*

*\*\*1, 2, 3, 4 ва 5 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб акс эттирилади.*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг  
сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий  
этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**“Tomchi-reestr” ягона электрон реестрини шакллантириш  
ва рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш**

Т/р	Ишончлилик даражаси	Умумий баллар
1.	Маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани*	15
2.	Ишлаб чиқариш корхонаси махсус лаборатория билан жиҳозлангани	15
3.	Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани	5
4.	Соҳа бўйича фаолият олиб бораётган олим ва илмий ходимларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштироки мавжудлиги**	10
5.	Худудларда савдо шохобчаси ташкил этилгани	10
6.	Худудларда сервис-хизмат кўрсатиш марказининг амалда фаолият кўрсатаётгани***	15
7.	Олий маълумотли лойиҳачи, муҳандис, агроном ходимлар билан таъминлангани ҳамда уларнинг “Сувчилар мактаби”да малака оширгани	15
8.	Технологиядан фойдаланиш бўйича буюртмачилар томонидан эътирозлар мавжуд эмаслиги	15

\*Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишчи гуруҳ ташкил этиш орқали маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари мониторинг қилиб борилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда корхона номи, техник кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш санаси кўрсатилгани ўрганилади.

\*\*Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ходимлари лойиҳа ҳужжатларининг ҳудудни тупроқ ва иқлим шароитига ҳамда экин турига мослиги, шунингдек, жорий қилиниши режалаштирилган технологиянинг амалда ишлаш жараёни ва унинг натижадорлиги юзасидан Сув хўжалиги вазирлигига асосланган хулосалар тақдим этиб боради ҳамда хулосаларнинг тўғрилигига шахсан масъул ҳисобланади.

\*\*\*Сув хўжалиги вазирлиги томонидан жойларда ташкил этилган сервис-хизмат кўрсатиш марказларининг амалда фаолият кўрсатаётгани мавсум давомида ўрганиб борилади.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом насос агрегатлари ва суғориш қудуқларининг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатган ва уни белгиланган тартибда туман электр тармоқлари корхонасидан рўйхатдан ўтказган истеъмолчиларга насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор бошқарувида берилган давлат сув хўжалиги тизимидаги насос станциялари ва суғориш қудуқлари, шунингдек, истеъмолчиларнинг пахта ва ғалла майдонларида шўр ювиш, нам ва яқоб сув бериш тадбирлари, бошқа экинлар ҳамда ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экинларни суғориш учун истеъмол қилинган электр энергияси қийматини қоплашга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**истеъмолчилар** – пахта, ғалла, мева, узум, сабзавот, картошка, озуқабоп, мойли экин (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги экинлари) майдонларини насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари орқали суғорадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахслар;

**субсидия** – истеъмолчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ.

3. Субсидия истеъмолчиларга ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

Бунда суғоришда сарфланадиган электр энергиясининг чекланган миқдори вегетация даврида ҳар ойда тенг улушларга тақсимланган ҳолда проактив (автоматлаштирилган тартибда) ажратилади.

4. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

5. Субсидия ажратилган ер майдонларида етиштирилган маҳсулотларнинг реализацияси солиқ органларига тақдим этилган ҳисоботларида акс эттирилиши шарт. Етиштирилган маҳсулотлар реализацияси ушбу Низомга 2-иловада келтирилган миқдорлардан кам бўлганда келгуси йилда (аниқланган йилдан кейинги календарь йилда) субсидия ажратилмайди.

### **2-боб. Истеъмолчилар рўйхатини шакллантириш**

6. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими, “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ва туман электр тармоқлари корхонаси билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар келгуси йилда субсидия олувчилар рўйхатини экин тури, ер майдонлари ва контур рақамлари, сув манбаи, ўрнатилган насос агрегатининг русуми, сув чиқариш қобилияти, қуввати, жорий қилинган ёки жорий қилиниши режалаштирилган замонавий сувни тежайдиган суғориш технологиялари тури ва майдонидан келиб чиқиб шакллантиради ҳамда тасдиқлайди.

Бунда истеъмолчилар рўйхати тўғри шакллантирилгани учун Туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбарлари масъул ҳисобланади.

7. Истеъмолчиларнинг тасдиқланган рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари томонидан умумлаштирилиб, ҳар календарь йилнинг 10 июлига қадар Сув хўжалиги вазирлигига юборилади.

8. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган истеъмолчиларнинг тасдиқланган рўйхатини ўрганиб чиқади ва ҳар календарь йилнинг 20 июлига қадар ҳудудлар кесимида умумлаштирилган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган истеъмолчиларнинг тасдиқланган рўйхатини ўрганиб чиқади ҳамда бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутаяди.

### **3-боб. Субсидияни ажратиш**

9. Субсидияни ҳисоб-китоб қилиш ва тайинлаш Агропортал орқали амалга оширилади.

10. “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ҳар йили 1 декабрга (2026 йил учун 2026 йил 20 майга) қадар Агропорталга ҳар бир истеъмолчининг контурлар кесимида (қайси контур сув насоси орқали суғорилишини ҳамда қайси контурларда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганлигини) насос агрегатининг сув чиқариш қуввати, жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг тури тўғрисидаги маълумотларини киритади.

Бунда “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ истеъмолчилар бўйича киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига масъул ҳисобланади.

11. Истеъмолчиларнинг туман электр тармоқлари корхонаси билан электр энергияси етказиб бериш бўйича тузилган амалдаги шартномалари ва электр истеъмолини мониторинг қилиш мақсадида (санаси ва рақами, меъёри) “Худудий электр тармоқлари” АЖ ягона биллинг тизими Агропорталга интеграция қилинади.

Субсидия қуйидаги ҳолатларда ажратилмайди:

истеъмолчиларнинг туман электр тармоқлари корхонаси билан электр энергияси етказиб бериш бўйича тузилган амалдаги шартномалари бўлмаганда;

Агропорталда тегишли маҳсулотлар контурлар кесимида жойлаштирилмаганда.

12. Агентлик Агропорталга “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ томонидан киритилган ҳамда “Худудий электр тармоқлари” АЖ ягона биллинг тизимидан олинган маълумотлар асосида субсидияни ҳар ойнинг 20 санасигача истеъмолчиларнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунда ҳар бир маҳсулот турининг вегетация давридан келиб чиқиб ҳамда ушбу Низомга 2-иловада белгиланган миқдоридан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

Агентлик экин даври тугагандан сўнг ҳар бир истеъмолчининг умумий экин майдонининг контурлар кесимидаги ва экин турлари бўйича маълумотларни “Ўзбеккосмос” агентлигига юборади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги Агентлик юборган маълумотларга асосан ўн кун муддатда истеъмолчилар томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳақиқатда экилганлиги ёки экилмаганлигини ўрганади ва якуни бўйича аниқланган маълумотларни Агентликка юборади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан ўрганиш даврида субсидия ажратилган истеъмолчилар томонидан белгиланган майдонларда тегишли экинлар экилмагани аниқланганда, Агентлик ушбу истеъмолчиларга субсидия ажратишни тўхтатади ҳамда ушбу мавсум учун ажратилган субсидияни қайтариш чораларини кўради, зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилади.

13. Истеъмолчининг насос агрегатлари ва суғориш кудуғидан ўзаро келишувга кўра бошқа фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари тегишли қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун фойдаланилиши мумкин.

Бунда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун (пахта, ғалла, мева, узум, сабзавот, картошка, озуқабоп, мойли экинлар бундан мустасно) сарфланган электр энергияси харажатлари истеъмолчиларнинг ўз маблағи ҳисобидан қопланади.

14. Субсидия ажратилган мавсум якунида истеъмолчиларнинг махсус ҳисоб рақамида субсидия ҳисобидан қолган қолдиқ маблағлар қайтариб олинмайди.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

15. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси истеъмолчилар томонидан субсидия ажратилган электр энергияси ёрдамида чиқарилган сув ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг юритади.

16. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг  
насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол  
қиладиган электр энергияси қийматининг бир қисмини  
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
I-илова

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг насос  
агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр  
энергияси қийматининг бир қисмини қоплаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ	Агропорталга ҳар бир истеъмолчининг контурлар кесимида (қайси контур сув насоси орқали суғорилишини ҳамда қайси контурларда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганлигини) насос агрегатининг сув чиқариш қуввати, жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг тури тўғрисидаги маълумотларини киритади.	Ҳар йили 1 декабрга қадар (2026 йил учун 2026 йил 20 майга қадар)
2-босқич	Агентлик	Агропорталга “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ томонидан киритилган ҳамда “Худудий электр тармоқлари” АЖ ягона биллинг тизимидан олинган маълумотлар асосида истеъмолчиларга субсидияни истеъмолчиларнинг тижорат банкларидаги махсус ундирувга йўл қўйилмайдиган ҳисобварағига ўтказиб беради.	Ҳар ойнинг 20-санасигача

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини  
 етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва  
 суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр  
 энергияси қийматининг бир қисмини қоплаш  
 тартиби тўғрисидаги низомга  
 2-илова

**Субсидия ажратиладиган экин турларини бир мавсумда суғоришда сарфланадиган  
 электр энергияси сарфининг чекланган миқдори\***

Т/р	Экин тури	Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган 1 гектар майдонни суғориш учун сарфланадиган электр энергиясининг чекланган миқдори	Анъанавий суғоришда 1 гектар майдонни суғориш учун сарфланадиган электр энергиясининг чекланган миқдори	Қуёш панели ўрнатган ҳамда анъанавий суғоришда 1 гектар майдонни суғориш учун сарфланадиган электр энергиясининг чекланган миқдори	Субсидия ажратиладиган давр	Минимал етиштириладиган маҳсулот миқдори**
1.	Пахта	800 kVt-соат	400 kVt-соат	200 kVt-соат	май-сентябрь	30 ц/га ***
2.	Ғалла	700 kVt-соат	350 kVt-соат	175 kVt-соат	февраль-май, сентябрь-ноябрь	50 ц/га ***
3.	Мевали боғ	500 kVt-соат	250 kVt-соат	125 kVt-соат	март-октябрь	Ташкил этилганига 3 йилдан кам бўлмаган мевали боғлар учун 150 ц/га
4.	Узумзор	500 kVt-соат	250 kVt-соат	125 kVt-соат	март-сентябрь	Ташкил этилганига 3 йилдан кам бўлмаган узумзорлар учун 150 ц/га
5.	Сабзавот	800 kVt-соат	400 kVt-соат	200 kVt-соат	март-октябрь	200 ц/га

Т/р	Экин тури	Сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган 1 гектар майдонни сугориш учун сарфланадиган электр энергиясининг чекланган миқдори	Анъанавий сугоришда 1 гектар майдонни сугориш учун сарфланадиган электр энергиясининг чекланган миқдори	Куёш панели ўрнатган ҳамда анъанавий сугоришда 1 гектар майдонни сугориш учун сарфланадиган электр энергиясининг чекланган миқдори	Субсидия ажратиладиган давр	Минимал етиштириладиган маҳсулот миқдори**
6.	Картошка	800 kVt-соат	400 kVt-соат	200 kVt-соат	март-октябрь	200 ц/га
7.	Озукабop	600 kVt-соат	300 kVt-соат	150 kVt-соат	март-октябрь	150-200 ц/га
8.	Мойли	500 kVt-соат	250 kVt-соат	125 kVt-соат	апрель-сентябрь	10-15 ц/га

\* Экин турларини сугоришда сарфланадиган электр энергияси сарфининг чекланган миқдори ҳар бир экин тури бўйича бир мавсум учун белгиланган.

\*\* Минималдан кам бўлса субсидия кейинги йилда ажратилмайди.

\*\*\* Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган маҳсулот етиштирувчилар учун минимал етиштириладиган маҳсулот миқдори 75% ҳисобланади.

**Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол,  
қўй ва эчкилар ҳамда мол ва қўй гўшти учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом хорижий давлатлардан импорт қилинадиган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар, шунингдек мол ва қўй гўшти учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**импорт қилувчи** – хорижий давлатлардан наслдор мол импорт қилиб, уни тадбиркорлик субъекти ва ўзини ўзи банд қилган шахсга сотувчи юридик шахс;

**импорт қилинган гўшт** – хорижий давлатлардан ҳаво транспорти орқали импорт қилинган ва истеъмолга яроқчилиги бўйича тегишли ҳужжатларга эга бўлган мол ва қўй гўшти;

**наслдор мол** – келиб чиқиши ҳужжатлар билан (наслдор мол гувоҳномаси) тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган наслдор қорамол, қўй ва эчки;

**субсидия** – талабгорга Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – ушбу Низомда белгиланган тартибда наслдор молларни ўз эҳтиёжи учун импорт қилган ёки импорт қилинган наслдор молларни импорт қилувчидан сотиб олган юридик шахслар, шу жумладан, чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс, шунингдек, хорижий давлатлардан ҳаво транспорти орқали мол ва қўй гўштини импорт қилган тадбиркорлик субъекти;

**Uzex Agro** – Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг (кейинги ўринларда – Биржа) қишлоқ хўжалигига ихтисослашган электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда – Платформа).

3. Талабгорга субсидия қуйидаги йўналишларда ажратилади:

а) ҳар бир бош:

наслдор қўй ёки эчки учун – 400 минг сўм;

наслдор қорамол учун – 2 миллион сўм;

2026 йил 1 апрелдан 2026 йил 31 декабрга (31 декабрь ҳам инобатга олинади) қадар бўлган даврда ҳаво транспорти орқали ўзи парваришлаш учун импорт қилинган ёки шу тартибда импорт қилган тадбиркорлик субъектларидан харид қилинган наслдор қорамол қийматининг 10 фоизи, бироқ ҳар бир боши учун 4 миллион сўмдан ошмаган миқдорда.

Бунда:

талабгор ўз эҳтиёжи учун импорт қилувчи ёки импорт қилинган наслдор молларни импорт қилувчидан сотиб олган юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс бўлишидан қатъи назар, ҳар бир бош наслдор мол учун субсидия бир маротаба ажратилади;

ҳаво транспорти орқали олиб келган наслдор қорамол учун субсидия қўлланилганда, наслдор қорамол учун 2 миллион сўм миқдордаги субсидия қўлланилмайди.

б) 2026 йил 1 апрелдан 2026 йил 1 августга қадар бўлган даврда ҳаво транспортида импорт қилинган гўштни ташиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ ҳар бир килограмм гўшт учун 0,8 АҚШ доллари эквивалентидан (миллий валютада декларацияни расмийлаштиришдаги Марказий банк курсида) ошмаган миқдорда.

4. Талабгор ёки импорт қилувчи божхона юк декларациясини расмийлаштиришда наслдор молларни ўз эҳтиёжи учун ва/ёки тижорат мақсадида олиб келганлигини аниқ белгилаши шарт.

5. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ҳар йили 1 июлга қадар келгуси йил учун субсидия олувчилар рўйхатини шакллантириб ва талаб этиладиган субсидия маблағларининг прогноз кўрсаткичларини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 20 июлига қадар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси томонидан тақдим этилган прогноз кўрсаткичларни ўрганиб чиқади ҳамда бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутаяди.

8. Субсидия юридик шахс мақомига эга бўлган талабгорларнинг тижорат банкларидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига, ўзини ўзи банд қилган шахсларга тижорат банкдаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Тижорат банклари талабгорларга уларнинг мурожаатларига асосан бир кун муддатда субсидия учун ушбу бандда кўрсатилган ҳисобварақларини очиб беради.

## **2-боб. Субсидия ажратиладиган наслдор молларга қўйиладиган талаблар**

9. Импорт қилинаётган наслдор қорамоллар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

бўғозлик муддати 6 ойгача бўлиши;

тирик вазни 450 килограммдан ва туғиш вақтидаги ёши 30 ойдан кўп бўлмаслиги;

уруғлантирган наслдор буқа тўғрисида қўшимча маълумотлар;

10. Импорт қилинаётган наслдор қўй ёки эчкилар ёши 6 ойликдан кам бўлмаслиги шарт.

## **3-боб. Ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган наслдор мол учун субсидия ажратиш**

11. Ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган наслдор мол бўйича субсидия ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ Агропортал орқали ажратилади.

12. Талабгор божхона юк декларациясини расмийлаштиришда импорт қилинган наслдор мол ўз эҳтиёжи учун олиб келинганлигини аниқ белгилайди ва қўшимча равишда:

импорт қилинган наслдор молнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

ҳаво транспорти орқали импорт қилинган бўлса, ҳаво транспорти орқали келганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган наслдор молни сотиб олиш бўйича тузилган олди-сотди шартномаси ва тўлов топшириқномасининг нусхасини тақдим этади.

Ушбу бандда назарда тутилган қўшимча ҳужжатлар (маълумотлар) фақатгина субсидия олиш истаги бор талабгорлар томонидан тақдим этилади.

13. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг чегара ўтказиш пунктидаги масъул ходими талабгордан наслдор мол бош сони, зоти ва уларнинг соғломлиги тўғрисидаги маълумотномани қабул қилиб олади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига талабгор жавобгар ҳисобланади.

14. Божхона қўмитасининг чегара постидаги масъуллари Божхона қўмитасининг тегишли ахборот тизими орқали боғхона юк декларацияси расмийлаштирилиши билан шу вақтнинг ўзида ушбу Низомнинг 12-бандида назарга тутилган маълумотларни ҳамда боғхона юк декларациясини Агентликка Агропортал орқали юборади.

15. Агентлик талабгорларнинг банк реквизитларини тижорат банкларидан интеграция орқали олади.

16. Агентлик **бир иш кунда** Боғхона қўмитаси томонидан Агропорталга интеграция орқали юборилган маълумотларни Низом талабларига мос келадиган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар сони бўйича ҳулоса бериш учун Туман (шаҳар) ветеринария бўлимларига юборади.

Туман (шаҳар) ветеринария бўлимлари **уч иш кунда** импорт қилинган наслдор мол сони бўйича Агропортал орқали ҳулоса беради.

Бунда туман (шаҳар) ветеринария бўлимлари “Идентификация қилинган ҳайвонлар ягона электрон маълумотлар базаси” ахборот тизимига рўйхатдан ўтказилади.

17. Агентлик Боғхона қўмитаси маълумотлари ҳамда Туман (шаҳар) ветеринария бўлимларининг Агропорталга юборган ҳулосаси асосида **уч иш кунда** субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

**4-боб. Импорт қилинган наслдор молларни импорт қилувчидан сотиб олган юридик шахслар, шу жумладан, чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларга наслдор мол учун субсидия ажратиш**

18. Импорт қилинган наслдор молларни импорт қилувчидан сотиб олган юридик шахслар, шу жумладан, чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларга субсидия ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ Агропортал орқали ажратилади.

Бунда субсидия Платформа орқали сотиб олинган наслдор мол учун ажратилади.

19. Платформада юридик шахслар электрон рақамли имзо билан, жисмоний шахслар ЖШШИР маълумотлари ва телефон рақамига келган СМС – хабарномани тасдиқлаш орқали рўйхатдан ўтади.

20. Импорт қилувчи Платформа орқали қорамол сотиш бўйича жойлаштирадиган эълонда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

сотиш нархи;

насли, ёши ва идентификация рақами;  
 фотосурати;  
 етказиб бериладиган ҳудуд;  
 келиб чиққан мамлакат тўғрисидаги ахборот;  
 кафолат шартлари ва муддати тўғрисидаги ахборот;  
 етказиб бериш муддати;  
 импорт қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

21. Наслдор мол фьючерс (наслдор мол Ўзбекистон ҳудудига кириб келмаган, сотилган ҳажм ва шартларга қараб олиб келиб бериш) шартларида сотилса, импорт қилингани тўғрисидаги ҳужжат ва идентификация рақами етказиб бериш вақтида сотувчи томонидан электрон тизимга киритилади ҳамда харидорга тасдиқлаш учун юборилади.

22. Божхона кўмитаси тижорат мақсадида олиб келинган наслдор моллар бўйича тегишли маълумотларни (шу жумладан, ҳаво ёки бошқа транспорт воситалари орқали олиб келинганлигини юзасидан) интеграция орқали Биржага юборади.

Импорт қилувчи томонидан Платформага киритилган молнинг насли, ёши ва идентификация рақами, келиб чиққан мамлакат тўғрисидаги ахборот, импорт қилингани тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги Биржа ва Божхона кўмитаси ўртасида маълумотлар алмашинувида асосан автомат текширилади.

23. Талабгор Платформага жойлаштирилган эълонлардан ўзига маъқул келган шартлардаги эълонни танлайди ва етказиб бериш манзилени кўрсатади.

Талабгор ўзига маъқул келган шартлардаги эълонни танлаганидан сўнг Платформа талабгор ва сотувчи ўртасида автоматик равишда эълонда кўрсатилган шартлар асосида шартнома шакллантиради.

Талабгор томонидан шартнома бўйича тўлов наслдор мол импорт қилувчи томонидан етказиб бериш муддатидан 5 кун аввал, бироқ 3 кундан кам бўлмаган муддатда Платформада тўланади.

Импорт қилувчи томонидан шартнома шартларига асосан наслдор мол талабгорнинг манзилига етказиб берилади ва томонлар ўзларининг шахсий кабинетлари орқали наслдор молни топширилгани ва қабул қилинганини тасдиқлайди.

24. Тасдиқлаш жараёнлари якунига етганидан сўнг 1 иш кунида шартнома бўйича 100 фоиз маблағ сотувчига ўтказиб берилади.

25. Биржа наслдор молларни олди-сотди шартномалари асосида талабгорларнинг аниқ реквизитлари кўрсатилган реестрни (ҳаво ва бошқа транспорт воситалари орқали олиб келинганлиги алоҳида кўрсатган ҳолда) онлайн равишда Агропортал орқали Агентликка юборади.

Агентлик уч иш кунида Биржа реестри асосида субсидияни талабгорларнинг тижорат банкдаги тегишли ҳисобварақларига ўтказиб беради.

#### **5-боб. Импорт қилинган гўшт учун субсидия ажратиш**

26. Импорт қилинган гўштни ташиш харажатининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ушбу Низомга 3-иловада келтирилган схемага мувофиқ Агропортал орқали ажратилади.

27. Талабгор субсидия ажратилиши учун Агропортал орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан Агентликка мурожаат қилади:

гўшт хариди бўйича шартнома нусхаси;

ҳаво транспортида ташиш хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ва тўлов топшириқномаси нусхаси;

ветеринария хулосаси (сертификати);

санитария-эпидемиологик хулоса;

Ташиш хизматлари учун тўловлар чет эл валютасида амалга оширилган тақдирда, талабгор субсидия олиш бўйича аризасида ушбу тўловларни тўлов кунидаги Марказий банк томонидан белгиланган валюта курси асосида ҳисоблаб, субсидия миқдорини миллий валютада кўрсатиши шарт.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

28. Импорт қилинган гўшт маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар (вақти, тури, миқдори, қайси давлатдан ва қандай транспортда импорт қилинганлиги ва бошқа маълумотлар) Божхона қўмитасининг тегишли ахборот тизимларидан интеграция орқали шакллантирилади.

29. Агентлик талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Низом талабларига мос бўлганда, субсидияни уч иш кунида (талабгор томонидан ҳисоб-китоблар қайси валютада амалга оширилганлигидан қатъи назар, ташиш харажатларининг 50 фоизини, бироқ ҳар бир килограмм гўшт учун 0,8 АҚШ доллардан ошмаган миқдорда) Марказий банкнинг тўлов кунидаги курсига нисбатан миллий валютада талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварақига ўтказиб беради.

#### **6-боб. Ажратилган субсидияни мониторинг қилиш**

30. Талабгор импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни камида 2 авлод олгунгача сақлаши шарт.

Агентлик Агропортал орқали наслдор моллар учун субсидия олган тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига юборади.

Бунда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни камида 2 авлод олгунгача сақлашини ҳар чоракда мониторинг қилиб боради.

Мониторинг жараёнида мазкур шарт бажарилмаганда, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Агентликни Агропортал орқали хабардор қилади. Агентлик мазкур ҳолатда субсидияни қайтариш чораларини кўради ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади.

Бунда наслдор қорамол, қўй ва эчкилар ҳақиқатда нобуд бўлгани бўйича Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан тузилган далолатномалар мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

#### **5-боб. Яқунловчи қондалар**

31. Субсидия ажратиш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади.

32. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хорижий давлатлардан импорт қилинган  
наслдор қорамол, қўй ва эчкилар ҳамда мол  
ва қўй гўшти учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган наслдор мол бўйича  
субсидия ажратиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Божхона юк декларациясини расмийлаштиришда импорт қилинган наслдор молни ўз эҳтиёжи учун олиб келинганлигини аниқ белгилайди ва тегишли хужжатларни тақдим қилади.	Наслдор моллар импорт қилинганда
2-босқич	Божхона қўмитаси	Ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган наслдор моллар божхона расмийлаштирувидан ўтганидан сўнг Агропортал орқали тегишли маълумотлар ҳамда божхона юк декларациясини Агентликка юборади.	1 иш кунида
3-босқич	Агентлик	Импорт қилинган наслдор моллар ушбу Низом талабларига мослиги ҳамда сони бўйича хулоса бериш учун туман (шаҳар) ветеринария бўлимига юборади.	1 иш кунида
4-босқич	Туман (шаҳар) ветеринария бўлими	Туман (шаҳар) ветеринария бўлими импорт қилинган наслдор моллар ушбу Низом талабларига мослиги ҳамда сони бўйича Агропортал орқали хулоса беради.	3 иш кунида
5-босқич	Агентлик	Субсидия олувчиларнинг банк реквизитларини тижорат банкларидан интеграция орқали олади. Туман (шаҳар) ветеринария бўлими хулосаси келиб тушгандан сўнг субсидияни талабгорнинг тижорат банкларидаги махсус ундирувга йўл қўйилмайдиган ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш кунида

Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор  
корамол, қўй ва эчкилар ҳамда мол ва қўй гўшти учун  
субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Импорт қилинган наслдор молларни импорт қилувчидан сотиб олган  
юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъекти ва ўзини ўзи банд  
қилган шахсларга наслдор мол учун субсидия ажратиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Импорт қилинган наслдор молни биржа платформаси орқали сотиб олади.	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Платформа	Наслдор молларни олди-сотди шартномалари асосида талабгорнинг аниқ реквизитлари кўрсатилган реестрни (ҳаво ва бошқа транспорт воситалари орқали олиб келинганлигини алоҳида кўрсатган ҳолда) Агропортал орқали Агентликка юборади.	Онлайн тарзда
3-босқич	Агентлик	Платформа реестр асосида субсидияни талабгорларнинг тижорат банкдаги тегишли ҳисобварақларига ўтказиб беради.	3 иш кунида

Хорижий давлатлардан импорт қилинган  
наслдор қорамол, қўй ва эчкилар ҳамда мол  
ва қўй гўшти учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Импорт қилинган гўшт учун субсидия ажратиш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддати</b>
1-босқич	Талабгор	Агропортал орқали қуйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан Агентликка мурожаат қилади.	Гўшт импорт қилинганда
2-босқич	Агентлик	Субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварақларига ўтказиб беради.	3 иш кунда

**Қишлоқ хўжалиги техникаси ва лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги техникаси ва лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш ҳамда субсидиядан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат** (кейинги ўринларда – лазерли ер текислагич агрегат) – қишлоқ хўжалиги ерларида текис сирт ҳосил қилиш, горизонталь (шоли даласи) ёки етиштириладиган экинга қараб бир ёки икки қияли, кўп миқдорда сув талаб қилмайдиган экинларни етиштиришда ортиқча намликни дренажлашни таъминлаш учун ишлатиладиган, республикада ишлаб чиқарилган ҳамда чет давлатдан олиб келинадиган лазерли ер текислагич агрегат;

**маҳаллий корхона** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхона;

**субсидия** – қишлоқ хўжалиги техникаси ва лазерли ер текислагич агрегатни сотиб олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида (кейинги ўринларда – Агроинспекция) рўйхатдан ўтказилган янги қишлоқ хўжалиги техникалари учун ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – солиқ органларида рўйхатдан ўтган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахслар ва ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган қишлоқ хўжалигида механизация хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар;

**электрон ҳисобварақ-фактура** (кейинги ўринларда – ЭХФ) – товарларни (қишлоқ хўжалиги техникалари ёки агрегатлари, ишлар, хизматлар) реализация қилиш ва сотиб олишни тасдиқловчи, ЭХФ айланиш тизими операторлари орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган электрон ҳужжат;

**янги қишлоқ хўжалиги техникаси** – маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган, қишлоқ хўжалигида механизация ишларини бажарадиган барча турдаги тракторлар, комбайнлар, тиркамалар, ва агрегатлар (шу жумладан, лазерли ер текислагич агрегатлар), шунингдек, хориждан тайёр ҳолда олиб келинадиган, аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкалари (кўш қатор), замонавий шоли уруғини экиш сеялкалари ва кўчатлаб экиш ускуналари, лазерли ер текислагич агрегатлар, ғалла ўриш комбайнлари, пахта териш машиналари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда субсидия ажратилиши назарда тутилган техникалар ва агрегатлар.

3. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

4. Субсидия проактив (автоматлаштирилган тартибда) тарзда ушбу Низомга иловада келтирилган схемага асосан ажратилади.

5. Субсидия талабгор сотувчи ёки лизингга берувчи ташкилотлар билан янги қишлоқ хўжалиги техникаси учун тузилган шартнома шартларида белгиланган олдиндан тўланадиган тўловлар (аванс) тўлангандан кейин ажратилади.

Бунда янги қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳар бири учун алоҳида шартнома ва ЭҲФ расмийлаштирилади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун янги қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талаблардан келиб чиқиб, бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

## **2-боб. Агроинспекцияга қўшимча тақдим этиладиган ҳужжатлар**

7. Талабгор янги қишлоқ хўжалиги техникаси учун субсидия олиш истагини билдирганда ушбу техникани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза топширишда қонунчиликда белгиланган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидаги маълумотларни тақдим этиши лозим:

а) талабгор **жисмоний шахс** бўлса:

паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси нусхаси;

банк реквизитлари (банк бўлими номи, МФО ва талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи);

ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ органларида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома;

қишлоқ хўжалиги техникасини бошқариш учун берилган тракторчи-машинист гувоҳномаси нусхаси;

б) талабгор **юримдик шахс** бўлса:

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

янги қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича:

олди-сотди шартномаси нусхаси (тўғридан-тўғри харид қилинганда);

кредит ёки лизинг шартномаси нусхаси (кредит ёки лизинг шартларида харид қилинганда);

лизингга берилган техникаларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси нусхаси;

мувофиқлик сертификати (мувофиқлик сертификати талаб этилмайдиган қишлоқ хўжалиги техникалари бундан мустасно);

талабгор томонидан ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган техниканинг божхона юк декларацияси ва инвойс нусхаси;

тўлов топшириқномаси нусхаси.

8. Агроинспекцияга тақдим этилган хужжатларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига талабгор ҳамда янги қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Субсидияни ажратиш**

9. Агроинспекция Агропортал орқали Агентликка янги қишлоқ хўжалиги техникаси давлат рўйхатидан ўтказганидан сўнг қўшимча равишда ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган хужжатлар ҳамда янги қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича:

давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги техник паспорт (лазерли ер текислагич агрегат ва бошқа агрегатларнинг техник гувоҳномаси) нусхасини;

лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномасини (лизинг шартларида харид қилинганда);

қишлоқ хўжалиги техникаси ёки агрегати номи;

русуми ёки модели;

завод рақами (кузов шасси рақами);

двигателнинг завод рақами (лазерли ер текислагич ва бошқа агрегатлар бундан мустасно) тўғрисидаги маълумотларни юборади.

10. Агентлик Агроинспекция томонидан Агропортал орқали юборилган маълумотларга асосан **бир иш кунда**:

Солиқ қўмитасидан талабгор томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилингани бўйича ЭҲФни (талабгорлар ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган ҳолатлар бундан мустасно);

тижорат банкларидан талабгорнинг ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни интеграция орқали олади.

11. Субсидия миқдори Агропорталда автоматик равишда аниқланади.

Бунда субсидия миқдори қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи, замонавий шоли уруғини экиш сеялкалари ва кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизи, лазерли ер текислагич агрегат қийматининг 30 фоизи миқдорида ҳисобланади.

Агентлик Агроинспекция томонидан юборилган ҳужжатларга асосан субсидияни **уч иш кунда** Агропортал орқали юридик шахсларнинг банкдаги махсус ундирувга йўл қўйилмайдиган ҳисобварағига, жисмоний шахсларининг банкдаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиб беради.

12. Қуйидаги ҳолатларда субсидия маблағлари ажратилмайди:

а) талабгор томонидан ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) олди-сотди (лизинг) шартномаси, ЭҲФ ҳамда техник паспорт (техник гувоҳнома) ҳужжатлари маълумотлари бир-бирига мос бўлмаганда;

в) ЭҲФ расмийлаштирилган вақти ҳамда Агроинспекциядан рўйхатдан ўтказиш вақти бир йил муддатдан ошганда;

г) икки ва ундан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаси учун битта шартнома ва ЭҲФ расмийлаштирилганда;

д) ушбу Низомнинг 2-бандига мувофиқ талабгор мақомига мос келмаган субъектларга;

е) Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг имтиёзли қарз маблағлари ҳисобидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларига.

Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ажратилган имтиёзли ресурслар ҳисобидан молиялаштирилган техникалар тўғрисидаги маълумотларни имтиёзли ресурслар ажратилгандан кейин икки иш кунда Агентликка тақдим этиб боради;

ж) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маҳсулот етиштириш учун (пахта, ғалла, мева-сабзавот ва бошқа) ажратилган имтиёзли ресурслар ҳисобидан харид қилинганда.

13. Субсидия ажратилгани ёки ажратиш рад этилгани тўғрисида маълумот Агропортал ёки СМС хабарнома орқали талабгорга маълум қилинади.

#### **4-боб. Субсидиядан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилиш**

14. Талабгор субсидия олган кундан бошлаб:

а) янги қишлоқ хўжалиги техникасини **бир йил** давомида сотиши ёки бошқача тартибда бегоналаштириши;

б) 2025–2026 йилларда Жаҳон банкининг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси, “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан кредит ёки лизинг шартларида харид қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ–431-сон қарорига 1-илованинг 1-6-позицияларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаларини **уч йил** давомида сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштириши тақиқланади.

15. Агроинспекция Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини мажбурий йиллик техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ субсидия олган талабгорнинг янги қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳар йили техник кўриқдан ўтказди.

16. Агроинспекция янги қишлоқ хўжалиги техникаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни масофавий ҳамда ҳар олти ойда бир маротаба жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиб боради.

Агроинспекция мониторинг жараёнида талабгор субсидия олган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги техникасидан мақсадсиз ёки самарасиз фойдаланиш аниқланса, талабгор иштирокида далолатнома тузилади ҳамда Агропортал орқали Агентликка юборади.

Шунингдек, лизинг асосида харид қилинган техникалар лизингга берувчи корхона номига расмийлаштирилган ҳолатларда, ушбу техникалар лизингга берувчи корхона томонидан бошқа лизингга олувчига ўтказилганда, лизингга берувчи корхона **уч иш кун**ида дастлабки лизингга олувчини ҳамда Агентликни хабардор қилади.

Агентлик Агроинспекциянинг далолатномаси ҳамда лизинг берувчи корхонанинг хабарномасига асосан талабгорга субсидияни бир ой давомида тўлиқ Агентликнинг Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариш бўйича огоҳлантириш хатини юборади.

Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига маълумот юборилади ёки судга даъво аризаси киритилади.

17. Агроинспекция талабгорнинг ушбу Низомнинг 14-банди “б” кичик бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан имтиёз асосида харид қилган янги қишлоқ хўжалиги техникасидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини доимий масофавий мониторинг қилиб боради.

Агроинспекция мониторинг жараёнида талабгор субсидия олган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги техникасидан уч йил давомида мақсадсиз ёки самарасиз фойдаланаётганини аниқлаганда, талабгор иштирокида далолатнома тузади ҳамда субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига муурожаат қилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

18. Талабгор томонидан янги қишлоқ хўжалиги техникаларидан қишлоқ хўжалигининг мавсумий танаффусларида, таъмирлаш даврида, шунингдек форс-мажор ҳолатларда вақтинча фойдаланилмаслиги мақсадсиз ва самарасиз фойдаланишга киритилмайди.

19. Талабгор ушбу Низомнинг 14-банди “б” кичик банди талабларига амал қилмаса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ–431-сон қарорининг 4-банди “д” кичик бандида белгиланган чоралар қўлланади.

20. Қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи корхона ҳамда талабгор ўзи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига жавобгар ҳисобланади.

21. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги техникаси ва лазерли  
қурилмага эга ер текислагич агрегат  
қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
илова

**Қишлоқ хўжалиги техникаси ва лазерли қурилмага эга ер текислагич  
агрегат қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Янги қишлоқ хўжалиги техникасини рўйхатдан ўтказиш учун талаб этиладиган хужжатларга қўшимча маълумотларни Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига (кейинги ўринларда – Агроинспекция) тақдим этади.	Ўз хоҳишига кўра (ЭХМ расмийлаштирилганидан бир йилдан кеч бўлмаган муддатда)
2-босқич	Агроинспекция	Янги қишлоқ хўжалиги техникаларини давлат рўйхатидан ўтказганидан сўнг қўшимча равишда қабул қилинган хужжатлар ҳамда янги қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича маълумотларни Агропортал орқали Агентликка юборади.	1 иш кунда
3-босқич	Агентлик	Агроинспекция томонидан юборилган хужжатларга асосан субсидияни Агропортал орқали юридик шахсларнинг банкдаги махсус ундирувга йўл қўйилмайдиган ҳисобварағига, жисмоний шахсларининг банкдаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиб беради	3 иш кунда

**Пахта ва бошоқли дон, картошка, мева ва узум экин майдонларини  
суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб  
олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта, бошоқли дон, картошка, мева ва узум экин (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги экини) майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**субсидия** – талабгорларнинг 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер майдонида 2025 йил ёки ундан кейинги йилларда 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари;

**қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари** – 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун насос станциялари ва суғориш қудуқларини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қуёш, сув, шамол ёрдамида электр энергиясини ҳосил қилувчи қурилмалар.

3. Талабгорларга ушбу Низомга иловада келтирилган схема асосида 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ ҳар бир кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга қурилма учун 2 миллион сўмгача, жами 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади.

Субсидия миқдори 100 миллион сўмдан ортиқ бўлганда Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан ажратилади.

4. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

5. Талабгор субсидияни олиш учун Агропорталга ўзларига тегишли экин ер майдонларини белгиланган тартибда контурлар кесимида экин турларини киритган бўлиши шарт.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Аграр соҳада тўловлар агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун талаблардан келиб чиқиб, бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

7. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схема асосида ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

8. Талабгор қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини ўрнатгандан кейин субсидия олиш учун Агропортал орқали Агентликка ариза билан мурожаат қилади ва аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

талабгорнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

сотиб олинган қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарининг сертификати ва техник паспорти, электр энергияси ишлаб чиқариш (кВт/соат) қуввати;

қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олингани бўйича тузилган шартнома ва харид қилингани бўйича ЭХФ нусхаси;

қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарининг белгиланган тартибда (техник шартларга асосан) ҳақиқатда ўрнатилгани тўғрисидаги ҳужжатлар (ижрочи билан тузилган шартномалар, бажарилган қурилиш, синов-созлаш ишларига оид маълумотлар);

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари ва “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбарининг талабгор томонидан камида 10 гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларида сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилгани (контурлар кесимида) тўғрисидаги расмийлаштирилган маълумотномаси;

Туман электр тармоқлари корхонасининг талабгор томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини электр тармоқларига улангани тўғрисидаги маълумотномаси.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Талабгор тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

10. Талабгор ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ ёки белгиланган тартибда расмийлаштирмаган ҳолда тақдим қилганда, Агентлик томонидан **икки иш кун**ида сабаблари кўрсатилиб, Агропортал орқали аризани қабул қилиш рад этилади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, Агентлик **уч иш кун**ида интеграция орқали:

“Худудий электр тармоқлари” АЖ ахборот тизимларидан талабгорнинг қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари электр тармоқларига улангани;

Солиқ қўмитасидан харидор томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари харид қилингани бўйича ЭҲФни;

Агропорталнинг “Cropagro” ахборот тизимидан талабгорнинг сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган экин майдонлари тўғрисидаги маълумотни;

тижорат банкларидан харидорнинг субсидия учун очилган алоҳида махсус ундирувга йўл қўйилмайдиган ҳисобварағини Агропорталга интеграция орқали олади.

12. Интеграция орқали олинган маълумотлар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қувватига асосан ажратиладиган субсидия миқдори Агропорталда автоматик равишда аниқланади.

13. Агентлик томонидан ушбу Низомнинг 8 ва 10-бандларида белгиланган талаблар тўлиқ бажарилганда, **бир иш кун**ида субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

14. Ушбу Низомнинг 8 ва 10-бандларида назарда тутилган талаблар тўлиқ бажарилмаганда, Агентлик томонидан аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда субсидия ажратиш рад этилади ва талабгорни бир кун муддатда Агропортал ёки СМС хабарнома орқали хабардор қилинади.

15. Субсидия ажратиш рад этилган талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда **икки ой** давомида қайта мурожаат қилиши мумкин.

**3-боб. Яқунловчи қондалар**

16. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Пахта ва бошоқли дон, картошка, мева ва узум экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Пахта ва бошоқли дон, картошка, мева ва узум экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Субсидияни олиш учун Агропортал орқали Агентликка ариза билан мурожаат қилади.	Қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари ўрнатиб, ишга туширилгандан сўнг
2-босқич	Агентлик	<p>1. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, Солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тижорат банкларининг ахборот тизимларидан маълумотларни интеграция орқали олиб, ўрганади.</p> <p>2. Ушбу Низомнинг талаблари тўлиқ бажарилганда, талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради.</p>	<p>3 иш кунда</p> <p>1 иш кунда</p>

**Мева, узум ва лимон кўчатларини харид қилиш  
ҳамда кўчатларни шпалерга кўтариш харажатларининг  
бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари томонидан харид қилинган ва экинбоплик хулосаси мавжуд мевали ва узум кўчатлари, янги лимонзорлар барпо этиш учун лимон кўчатларини ҳамда мевали ва узум кўчатларини шпалерга кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**интенсив боғ** – пакана ва ярим пакана мевали кўчатларни зич экиш схемасида ресурс-тежамкор агротехнологик тадбирларни амалга ошириш асосида ташкил этилган ва сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган мевали боғ;

**“Кўчатчилик реестри” ЯЭР** – Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг расмий сайтида юритиладиган кўчат етиштиришга ихтисослашган юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъектларининг (кейинги ўринларда – кўчатчилик хўжаликлари) ягона электрон реестри;

**мева ва узум кўчати** – “in-vitro” шароитида ва вегетатив усулда кўпайтирилган (клон) пайвандтаг асосида тайёрланган ёши икки йилгача бўлган экинбоплик хулосаси мавжуд кўчат (резавор меваларнинг кўчат ва буталари бундан мустасно);

**мустақил эксперт** – талабгор томонидан ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганувчи ҳамда субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан хулоса берувчи тегишли ҳуқуқларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

**субсидия** – мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари томонидан харид қилинган мевали ва узум кўчатлари, янги лимонзорлар барпо этиш учун лимон кўчатлари ҳамда шпалерлар қийматининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ер участкаси ажратилган, янги интенсив боғ ва/ёки узумзор барпо этишда экинбоплик хулосаси мавжуд мева ва узум кўчатлари, янги лимонзорлар барпо этиш учун лимон кўчатларини харид қилган ҳамда ерда парваришланаётган, касалланмаган, механик шикастланмаган кўчатларни кўтариш учун шпалер ўрнатган юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъекти;

**шпалер** – талабгор томонидан интенсив боғ ва узумзорларда кўчатларни кўтариш учун ўрнатиладиган, ушбу Низомда белгиланган талабларга жавоб берадиган темир-бетон, металл ва асбест материаллардан тайёрланган устунлар;

**экинбоплик хулосаси** – аккредитациядан ўтган синов лабораторияси томонидан бериладиган мева ва узум кўчатларининг экинбоплик сифат кўрсаткичларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**“in-vitro” лабораторияси** – ўсимлик организмнинг тўқималарини микроклонал кўпайтириш усули орқали “соғлом”, вируслардан ҳоли бўлган кўчат ҳамда пайвандтаг етиштириш учун ихтисослашган, махсус жиҳозланган лаборатория.

3. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

4. Субсидия Агентлик томонидан янги интенсив боғ, узумзорларни барпо этиш, шунингдек, дала четларига, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга экилган экинбоплик хулосаси мавжуд мевали ва узум кўчатлари, янги лимонзорлар барпо этиш учун лимон кўчатларини харид қилган ҳамда кўчатларни шпалерга кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун ажратилади.

5. Субсидия қуйидаги миқдорларда ажратилади:

а) экинбоплик хулосаси мавжуд мева ва узум кўчатларини харид қилиш харажатларининг 50 фоизи миқдорида, бироқ:

“in-vitro” шароитида етиштирилган ҳар бир мева кўчатига 25 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

вегетатив усулда кўпайтирилган ҳар бир мева кўчатига 10 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

узумнинг данаксиз ва янги нав кўчатларига 7,5 минг сўмдан, маҳаллий узум кўчатларига 2 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

б) лимон кўчатларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларга ҳар бир сотих учун 300 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда;

в) кўчатларни шпалерга кўтариш харид қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ:

2,4 метрдан 4 метргача узунликдаги бир дона шпалер учун 25 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

4 метрдан 6 метргача узунликдаги бир дона шпалер учун 50 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

6 метр ва ундан юқори узунликдаги бир дона шпалер учун 70 минг сўмдан ошмаган миқдорда.

#### 6. Субсидия:

янги интенсив боғ ва узумзорларда, шунингдек, дала четларига, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга “Кўчатчилик реестри” ЯЭРга киритилган кўчатчилик хўжаликларидан “in vitro” ва/ёки вегетатив усулда кўпайтирилган пайвандтагли ҳамда экинбоплик хулосаси мавжуд мева ва узум кўчатларини эккандан сўнг;

янги лимонзорлар барпо қилиш ишлари якунлагандан сўнг;

боғ ва узумзорларда кўчатларни шпалерга кўтариш мақсадида шпалерлар ўрнатилгандан сўнг ажратилади.

7. Субсидия 2025 йил 1 сентябрдан кейин янги барпо этилган интенсив боғ ва узумзорлар, лимонзорлар ва шпалерлар учун ажратилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар келгуси йилда субсидия ажратиш мақсадида ҳудудлар кесимида боғ ва узумзорларни барпо этиш, мевали боғ ва узумларни шпалерга кўтариш ҳамда иссиқхоналарда лимонзорлар ташкил қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларни ўрганиб чиқади ҳамда бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

## 2-боб. “Кўчатчилик реестри” ЯЭРни шакллантириш

9. Кўчатчилик хўжаликларига қўйилган талаблар:

ўз ҳисобида 2 гектардан кам бўлмаган кўчат экиладиган ер майдони мавжудлиги;

кўчат етиштиришга ихтисослашганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

кўчат етиштириш бўйича соҳада камида 2 йил тажрибага эга малакали мутахассис ходимларнинг мавжудлиги;

Солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтида солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган ташкилотлар рўйхатида мавжуд эмаслигига эга бўлиш.

10. Кўчатчилик хўжаликлари томонидан “Кўчатчилик реестри” ЯЭРга кириш учун Агросаноатни ривожлантириш агентлигига Агропортал орқали ариза билан қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

Ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларга мослигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кўчатчилик хўжалиги томонидан етиштириладиган кўчатларнинг сони, унинг тури ва нави, зараркунанда ва касалликлар мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

“in-vitro” лабораторияси мавжудлиги бўйича ҳужжатлар нусхаси (ихтиёрий).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига кўчатчилик хўжаликлари раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Кўчатчилик хўжаликлари томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар 3 иш кунида Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан ўрганиб чиқилади.

12. Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ўрганишда ушбу Низомнинг 9-бандига мос бўлганда “Кўчатчилик реестри” ЯЭРга киритади.

Тақдим этган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос эмаслиги аниқланганда “Кўчатчилик реестри” ЯЭРга киритиш рад этилади ва бу ҳақда кўчатчилик хўжаликларини 3 кун муддатда хабардор қилади.

Кўчатчилик хўжаликлари камчиликларни бартараф қилиб, бир ой муддатда белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

13. Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан “Кўчатчилик реестри” ЯЭР доимий назорат қилиб борилади.

14. Қуйидаги ҳолларда “in-vitro” лабораторияси ҳамда кўчатчилик хўжаликлари “Кўчатчилик реестри” ЯЭРдан чиқарилади:

“Кўчатчилик реестри” ЯЭРдан ихтиёрий чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

кўчат сотиб олган буюртмачилар томонидан шикоятлар ва аризалар келиб тушган ва ушбу аризаларда кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топгани аниқланганда, шунингдек, ушбу камчиликлар келгуси экиш мавсумида бартараф этилмаганда;

кўчатчилик хўжаликлари томонидан ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилгани аниқланганида;

“Кўчатчилик реестри” ЯЭРга кирган кўчатчилик хўжаликлари, реестрга кирмаган бошқа кўчатчилар етиштирган кўчатларни олиб-сотиш фаолияти билан шуғулланиш ҳолати аниқланганда.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар билан “Кўчатчилик реестри” ЯЭРдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Субсидияни ажратиш**

15. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ Агропортал орқали ажратилади.

16. Талабгор субсидия олиш мақсадида Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг туман лойиҳа офисларига (кейинги ўринларда – туман лойиҳа офислари) Агропортал орқали ариза билан қуйидагиларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади:

**а) экинбоплик хулосаси мавжуд мева ва узум кўчатлари бўйича:**

мева ва узум кўчатларининг экинбоплик хулосаси нусхаси;

талабгор билан “Кўчатчилик реестри” ЯЭРга киритилган кўчатчилик хўжалиги ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси;

кўчатлар сотиб олингани бўйича электрон ҳисоб-фактура, кўчатчилик хўжалигининг тавсияси ва экинбоплик хулосаси бўйича кўчатларнинг нави ва тури бўйича уч йиллик кафолат хати;

тўлов топшириқномаси нусхаси;

ер участкаси мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

боғ ва узумзорлар барпо этиш бўйича Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан берилган техник-иқтисодий асослар ёки техник шартлар нусхаси;

**б) янги лимонзорлар барпо этиш ва лимон кўчатларини харид қилиш бўйича:**

лимон кўчатлари харид қилингани бўйича электрон ҳисоб-фактура;

тўлов топшириқномаси нусхаси;

янги лимонзорлар барпо этиш учун ер участкаси мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

**в) кўчатларни шпалерга кўтариш бўйича:**

шпалерни сотиб олиш бўйича тузилган олди-сотди шартнома нусхаси, сотувчи ва талабгор ўртасида имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномаси;

агар шпалер темир-бетон бўлса, сотувчи ва/ёки етказиб берувчининг темир-бетон маҳсулотидан тайёрланадиган шпалернинг сифатлилик сертификати нусхаси. Бунда талабгор томонидан ўз маблағлари ҳисобидан темир-бетон маҳсулотидан ҳамда темир маҳсулотларидан тайёрланган шпалернинг сифатлилик сертификати нусхаси ва маҳсулотларни сотиб олингани бўйича электрон ҳисоб-фактура нусхаси;

тўлов топшириқномаси нусхаси.

Талабгор аризадаги маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

17. Ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда, **уч иш куни** ичида туман лойиҳа офиси томонидан талабгорнинг аризасини қабул қилиш рад этилади.

Талабгор аризани қабул қилишни рад этиш сабабларини баргараф қилган ҳолда **бир ой** муддатда қайта мурожаат қилиши мумкин.

18. Туман лойиҳа офиси талабгорнинг аризасини кўриб чиқишда қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

**а) экинбоплик хулосаси мавжуд мева ва узум кўчатлари бўйича:**

мева ва узум кўчатлари “Кўчатчилик реестри” ЯЭРга киритилган кўчатчилик хўжаликларидан сотиб олинганига;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ талабгорга ажратилган ер майдонининг мавжудлигига;

талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризасини жойига чиққан ҳолда ўз муддатида ва тўлиқ ўрганишга;

талабгор ва кўчатчилик хўжалиги ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси мавжудлигига;

экинбоплик хулосаси мавжуд бўлган мева ва узум кўчатлари экилганига ҳамда сонини аниқлашга;

Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан берилган техник-иқтисодий асослар ёки техник шартлар асосида сифатли боғ ва узумзорлар барпо этилганига;

**б) янги лимонзорлар барпо этиш учун лимон кўчатлари бўйича:**

талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризасини жойига чиққан ҳолда ўз муддатида ва тўлиқ ўрганишга;

лимон етиштириш бўйича ташкил этилган иссиқхона хўжалиги кадастр ҳужжатларининг мавжудлигига;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ талабгорга ажратилган ер майдонида лимон кўчатлари экилганига;

янги лимонзорлар барпо этиш ишлари талабгорлар томонидан тўлиқ якунланганига;

**в) кўчатларини шпалерга кўтариш бўйича:**

талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризасини жойига чиққан ҳолда ўз муддатида ва тўлиқ ўрганишга;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ талабгорга ажратилган ер майдонида мева ва узум кўчатлари экилганига;

шпалерлар ўрнатилганлигини ва олди-сотди шартномасига мувофиқлигини ва сонини аниқлашга;

олди-сотди шартномасига ҳамда техник ҳужжатлар (паспорт) ва ушбу Низом талабларига мувофиқлигига.

19. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, туман лойиҳа офиси Агропортал орқали тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни уч иш куни ичида жойида чиққан ҳолда ўрганади ва талабгорга субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки рад этиш тўғрисидаги хулосани электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

Туман лойиҳа офиси хулосанинг тўғри расмийлаштирилгани ва ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, талабгор бир ой муддатда туман лойиҳа офиси хулосасида кўрсатилган камчиликларни тўлиқ бартараф қилган ҳолда, Агропортал орқали субсидия ажратиш тўғрисида қайта мурожаат қилиши мумкин.

Талабгор туман лойиҳа офисининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосасидан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

20. Туман лойиҳа офиси талабгорга субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани расмийлаштиргандан сўнг бир иш куни ичида тасдиқланган хулоса ва тақдим этилган ҳужжатларни Агропортал орқали Агентликка юборади.

21. Туман лойиҳа офиси томонидан юборилган ҳужжатларга асосан ажратиладиган субсидия миқдори Агропорталда автоматик равишда аниқланади.

22. Агентлик томонидан ишларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигига (кейинги ўринларда – “Ўзбеккосмос” агентлиги) ёки мустақил экспертга буюртманома беради.

Бунда “Ўзбеккосмос” агентлигида тегишли контурлар бўйича айрим космосдан тасвирга олинган маълумотлар мавжуд бўлмаса, тегишли маълумотлар мавжуд эмаслигини ўзининг хулосасида маълум қилади.

Агар “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан маълумот тақдим этилмаса, мустақил эксперт хулосаси асосида қабул қилинади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги ёки мустақил эксперт уч иш кунида бажарилган ишлар ҳолати тўғрисида хулосаларини Агентликка тақдим этади.

Бунда “�збеккосмос” агентлиги талабгорлар контурнинг олдинги ва кейинги ҳолатини ҳамда ҳақиқатда кўчатлар экилганлигини ҳамда узумзорларда шпалерларнинг ўрнатилганлиги бўйича фото маълумотнома ва хулоса тақдим этади ёки мустақил эксперт жойига чиққан ҳолда ишларнинг ҳақиқатда ушбу Низом талабларига мос равишда бажарилгани бўйича хулосасини Агропортал орқали Агентликка юборади.

23. Агентлик томонидан уч иш кун ичида “�збеккосмос” агентлигининг ёки мустақил экспертнинг хулосаларига асосан талабгорга субсидия ажратиш ёки ажратмаслик ҳақида Агропортал ёки SMS хабарномаси орқали маълум қилади ҳамда ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилганда талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўқ қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради.

### 5-боб. Мониторинг қилиш

24. Талабгор дала четларига ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга ҳамда лойиҳа асосида ташкил этилган янги боғ ва узумзорларга экилган кўчатларда ўз муддатида агротехника тадбирларини ўтказиш ва парваришlash ишларини амалга ошириб боради.

25. Талабгор томонидан дала четларига ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга ҳамда лойиҳа асосида ташкил этилган янги боғ ва узумзорларда ўз муддатида агротехника тадбирларини ўтказиш ва парваришlash ишлари амалга оширилиши юзасидан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Ўзагроинспекция) икки йил мобайнида мониторинг қилиб боради.

26. Ўзагроинспекция мева, узум ва лимон кўчатларини харид қилиш ҳамда кўчатларни шпалерларга кўтариш учун ажратилган субсидиядан самарали фойдаланиш ҳолатини ҳар йили бир марта мониторинг қилади ва кўчатларнинг ҳолати юзасидан (яхши ёки ёмон) уч нусхада далолатнома расмийлаштиради ҳамда далолатноманинг бир нусхаси Агентликка, бир нусхаси талабгорга юборилиб, бир нусхаси ўзида қолдирилади.

27. Мониторинг давомида камчиликлар аниқланганда, Агентлик субсидияни қайтариш бўйича огоҳлантириш хатини талабгорга тақдим қилади ва белгиланган тартибда ундириш чораларини кўради. Бунда:

ўтказилган мониторинг натижасига кўра биринчи ва иккинчи йилларда куриб, касалланиб яроқсиз ҳолга келган кўчатлар сони экилган кўчатлар умумий сонининг 10 фоизидан ошган тақдирда, олинган субсидия нобуд бўлган кўчатлар сонига мутаносиб равишда қайтарилади;

куриб, касалланиб яроқсиз ҳолга келган кўчатлар талабгор томонидан экинбоплик ҳулосаси мавжуд бўлган мева ва узум кўчатларига алмаштирилиб, кўчатлар сони 90 фоиздан юқори бўлганда субсидия қайтарилмайди;

субсидия ажратилган майдонларда кўчатлар тўлиқлигини таъминлаш учун талабгор томонидан қўшимча равишда экилган мева ва узум кўчатларига субсидия ажратилмайди.

28. Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумот юборилади ёки судга даъво аризаси киритилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

29. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мева, узум ва лимон кўчатларини харид  
қилиш ҳамда кўчатларни шпалерга кўтариш  
харажатларининг бир қисмини қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Мевали ва узум кўчатлари, лимон кўчатларини харид қилиш  
ҳамда кўчатларни шпалерга кўтариш харажатларининг  
бир қисмини қоплаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Субсидия ажратиш мақсадида Агропортал орқали Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг туман лойиҳа офиси (кейинги ўринларда – туман лойиҳа офиси) ариза билан муурожаат қилади.	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Туман лойиҳа офиси	Агропортал орқали тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва талабгорга субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки рад этиш тўғрисидаги хулосани тасдиқлайди. Талабгорга субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани расмийлаштиригандан сўнг тасдиқланган хулоса ва тақдим этилган ҳужжатларни Агропортал орқали Аграр соҳада тўловлар агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) юборади.	3 иш кунда  1 иш кунда
3-босқич	Агентлик	Бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида “Ўзбеккосмос” ёки мустақил экспертга буюртма беради.	3 иш кунда
4-босқич	“Ўзбеккосмос” ёки мустақил эксперт	Талабгорларнинг контурининг олдинги ва кейинги ҳолатини, ҳақиқатда кўчатлар экилганлигини ҳамда шпалерларнинг ўрнатилганлиги бўйича фото маълумотнома ва хулоса тақдим этади. Мустақил эксперт жойига чиққан ҳолда ишларнинг ҳақиқатда ушбу Низом талабларига мос равишда бажарилганлиги бўйича хулосани Агропортал орқали Агентликка юборади	3 иш кунда

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
5-босқич	Агентлик	<p>“Ўзбеккосмос” агентлигининг ва мустақил экспертнинг хулосаларига асосан талабгорга субсидия ажратиш ёки ажратмаслик ҳақида Агропортал ёки SMS хабарномаси орқали маълум қилади.</p> <p>Ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилганда эса талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради.</p>	3 иш кунда

**Иссиқхона хўжаликларига иссиқхоналарни кўмир қозони ва электр энергиясида иситиш қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом иссиқхоналарни кўмир қозони ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**иссиқхона хўжаликлари** – саноат усулида иссиқхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа юридик шахс мақомига эга бўлган қишлоқ хўжалиги субъектлари;

**кўмир қозони** – иссиқхоналарни кўмир ёқилғисида иситиш учун Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган ва мувофиқлик сертификатига эга бўлган ҳамда иситиш қуввати 1 гектардан кам бўлмаган қозон;

**мустақил эксперт** – талабгор томонидан ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганувчи ҳамда субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан хулоса берувчи тегишли ҳуқуқларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

**субсидия** – иссиқхоналарни иситиш учун маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган кўмир қозони ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – харид қилган ҳамда ишга туширилган кўмир қозони ва/ёки электр энергиясида иситиш қозони учун субсидия олиш мақсадида мурожаат қилган юридик шахс мақомига эга иссиқхона хўжаликлари;

**электр энергиясида иситиш қозони** – иссиқхоналарни электр энергиясида иситиш учун Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган ва мувофиқлик сертификатига эга бўлган ҳамда иситиш қуввати 1 гектардан кам бўлмаган қозон.

3. Иссиқхона хўжаликларига ҳар бир кўмир қозони ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонини харид қилиш харажатларининг 20 фоизгача қисми, бироқ 80 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия Аграр соҳада тўловлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан ажратилади.

4. Субсидия ҳисоби Агентликнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун кўмир ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонига бўлган талаблардан келиб чиқиб, бюджет параметрларини шакллантиришда инobatга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутади.

6. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ Агропортал орқали ажратилади.

## **2-боб. Субсидия олиш бўйича мурожаат қилиш**

7. Талабгор субсидия ажратиш бўйича туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлимига (кейинги ўринларда – туман экология бўлими) Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади ҳамда қуйидагиларни илова қилади:

а) кўмир қозони учун:

кўмир қозони учун атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларда самарадорлиги 99,5 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

иссиқхона хўжалигининг кадастр маълумотлари;

кўмир қозонининг мувофиқлик сертификати;

иссиқхона хўжалигининг фаолияти бўйича давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси;

кўмир қозонининг олди-сотди ва/ёки пудрат шартномаси, ўрнатиш ишлари сифатли бажарилгани тўғрисидаги далолатнома ҳамда электрон ҳисоб-фактура ҳужжатлари нусхаси;

кўмир қозонининг иссиқхонани иситиш учун талаб этиладиган иситиш қувватига эгаллиги ва иссиқхона майдонининг кўмир қозонига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

б) электр энергиясида иситиш қозони учун:

иссиқхона хўжалигининг кадастр маълумотлари;

электр энергиясида иситиш қозонининг мувофиқлик сертификати;  
 иссиқхона хўжалигининг фаолияти бўйича давлат экологик  
 экспертизасининг ижобий хулосаси;

электр энергиясида иситиш қозонини олди-сотди ва/ёки пудрат  
 шартномаси, ўрнатиш ишлари сифатли бажарилгани тўғрисидаги  
 далолатнома ҳамда электрон ҳисоб-фактура ҳужжатлари нусхаси;

электр энергиясида иситиш қозонининг иссиқхонани иситиш учун  
 талаб этиладиган иситиш қувватига эгаллиги ва иссиқхона майдонининг  
 электр энергиясида иситиш қозонига мувофиқлигини тасдиқловчи  
 ҳужжатлар.

Талабгор аризадаги маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг  
 тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни  
 талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Талабгор кўмир қозони ва электр энергиясида иситиш қозонини харид  
 қилиш бўйича шартнома имзоланган кундан бошлаб бир йил мобайнида  
 субсидия олиш учун Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилиши  
 мумкин.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ  
 бўлмаганда ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим  
 этилганда, туман экология бўлими томонидан талабгорнинг аризасини кўриб  
 чиқиш рад этилади.

9. Талабгорга субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос  
 бўлади:

талабгорнинг ўз аризасига асосан;

ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим  
 этилмаганда;

талабгор томонидан сохта ҳужжатлар, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар  
 тақдим этилганда;

кўмир қозони ва электр энергиясида иситиш қозонлари сифатсиз  
 ўрнатилганда ва иссиқхона лойиҳасининг параметрларига кўра  
 жойлаштирилмаганда;

иссиқхона хўжалиги тугатилганда.

Туман экология бўлими субсидия ажратишни рад этган тақдирда,  
 талабгорни бир кун муддатда Агропортал орқали рад этишнинг аниқ  
 сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда икки ой  
 давомида қайта мурожаат қилиши мумкин.

### 3-боб. Субсидияни ажратиш

10. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, туман экология бўлими уч иш кунда:

а) талабгор томонидан ўрнатилган кўмир қозонининг энергия самарадорлиги даражасини ҳамда белгиланган тартибда ўрнатилганлигини, иссиқхонани иситиш учун талаб этиладиган қувватга эгаллиги ва иссиқхона майдонининг қурилма қувватига мувофиқлигини, шунингдек, иссиқхона лойиҳасининг параметрларига кўра жойлаштирилганлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади;

б) талабгорга субсидия ажратиш бўйича хулоса расмийлаштириб, хулосада қуйидаги мезонларни инобатга олади:

иссиқхона объектлари соз ҳолатда бўлгани;

атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларда самарадорлиги 99,5 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларнинг мавжудлиги.

Талабгор томонидан бажарилган ишлар ушбу Низом талабларига мувофиқ деб топилганда, туман экология бўлими субсидия ажратиш тўғрисида хулоса расмийлаштиради ва хулосани бир кун муддатда Агропортал орқали Агентликка юборади.

11. Туман экология бўлими томонидан талабгорнинг аризаси уч иш кун ичида кўриб чиқилмаган ёки тегишли хулоса расмийлаштирилмаган тақдирда, хулоса ижобий деб ҳисобланади ҳамда субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги учун жавобгарлик туман экология бўлимига юкланади.

Бунда ушбу ариза Агропортал орқали автоматик равишда тўғридан тўғри Агентликка юборилади.

12. Туман экология бўлими талабгорга субсидия ажратиш бўйича хулоса беришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризасини жойига чиққан ҳолда муддатида ва тўлиқ ўрганишга ҳамда расмийлаштирилган ҳужжатларнинг тўғрилигига;

иссиқхона хўжалигининг кадастр маълумотлари тўғрилигига;

қишлоқ хўжалиги субъектининг фаолияти бўйича давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжудлиги ҳамда кўмир қозони чанг-газ тозалаш ускунаси билан жиҳозланганлигига;

кўмир қозонининг мувофиқлик сертификати мавжудлиги, иссиқхонани иситиш учун талаб этиладиган иситиш қувватига эгаллиги ва иссиқхона майдонига мувофиқлигига.

13. Агентлик туман экология бўлимидан келиб тушган хулосага асосан талабгор томонидан субсидия олиш учун бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва хулоса бериш мақсадида мустақил экспертга бир иш кунинда Агропортал орқали буюртма юборади.

Мустақил эксперт уч иш кунинда:

а) жойига чиққан ҳолда талабгор томонидан ўрнатилган электр энергияси қозонларининг энергия жиҳатдан самарадорлик даражасини ҳамда белгиланган тартибда ўрнатилганлигини, иссиқхонани иситиш учун талаб этиладиган қувватга эгаллиги ва иссиқхона майдонининг қурилма қувватига мувофиқлигини, шунингдек, иссиқхона лойиҳасининг параметрларига кўра жойлаштирилганлигини ҳамда қонунчиликка мувофиқ бажарилганлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

б) талабгорга субсидия маблағларини ажратиш бўйича хулоса расмийлаштириб, хулосада қуйидаги мезонларни инобатга олади:

иссиқхона объектлари соз ҳолатда бўлганлиги;

атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларда самарадорлиги 99,5 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларнинг мавжудлиги.

Талабгор томонидан бажарилган ишлар ушбу Низом талабларига мувофиқ деб топилганда, мустақил эксперт субсидия ажратиш тўғрисида хулоса расмийлаштиради ва хулосани бир кун муддатда Агропортал орқали Агентликка юборади.

14. Агентлик уч иш кунинда:

туман экология бўлими ва мустақил эксперт томонидан юборилган ижобий хулосаларига асосан субсидияни талабгорнинг тижорат банкларидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради;

ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб, субсидия ажратишни рад этган тақдирда, талабгорни Агропортал орқали рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилади.

15. Талабгор субсидия ажратилиши рад этилиши юзасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда суд органларига шикоят қилиши мумкин.

#### **4-боб. Кўмир қозони ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонларидан фойдаланиш юзасидан мониторинг юритиш**

16. Талабгор иссиқхонани иситиш учун ўрнатилган кўмир қозони ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонидан беш йил мобайнида фойдаланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши шарт.

17. Туман экология бўлими Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг туман лойиҳа офиси (кейинги ўринларда – туман лойиҳа офиси) билан бирга талабгор иштирокида бир йилда бир марта (ҳисобот йилининг октябрь ойидан кейинги йилнинг апрель ойига қадар) кўмир қозони ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонларидан фойдаланиш юзасидан мониторинг ўтказади.

Мониторинг натижалари асосида туман экология бўлими ва туман лойиҳа офиси томонидан икки нусхада далолатнома тузилади ҳамда далолатноманинг бир нусхаси талабгорда сақланади.

Туман экология бўлими ва туман лойиҳа офиси томонидан тузилган далолатномалар Агентликка бир иш кунида юборилади.

18. Агентлик туман экология бўлими ва туман лойиҳа офиси томонидан тақдим этилган далолатномага асосан талабгорга субсидияни бир ой давомида тўлиқ Агентликнинг Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариш бўйича огоҳлантириш хатини юборади.

19. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, талабгор томонидан Агентликка субсидия куйидаги тартибда қайтарилади:

2-йилда – 80 фоиз;

3-йилда – 60 фоиз;

4-йилда – 40 фоиз;

5-йилда – 20 фоиз.

20. Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига маълумот юборилади ёки судга даъво аризаси киритилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Субсидия беришда юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади.

Бунда тарафлар ўртасида келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилмаган тақдирда, низолар суд тартибида ҳал қилинади.

22. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Иссиқхона хўжаликларига иссиқхоналарни кўмир ёқилгиси ва электр энергиясида иситиш қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Иссиқхона хўжаликларига иссиқхоналарни кўмир ёқилгиси ва/ёки электр энергиясида иситиш қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Кўмир қозони ва электр энергиясида иситиш қозони учун субсидия олиш бўйича туман экология бўлимига Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади	Харид қилиш бўйича шартнома имзоланган кундан бошлаб бир йил мобайнида
2-босқич	Туман экология бўлими	Жойига чиққан ҳолда ўрганади ҳамда ҳужжатлар ва жиҳозлар талабга жавоб бергандан сўнг субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради ва Агропортал орқали Агентликка юборади.	3 иш кунда
3-босқич	Агентлик	Талабгор томонидан субсидия олиш учун бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва хулоса бериш мақсадида мустақил экспертга Агропортал орқали буюртма юборади.	1 иш кунда
4-босқич	Мустақил эксперт	Ушбу Низомда белгиланган талабларни жойига чиқиб амалда бажарилган ёки бажарилмаганлиги тўғрисидаги хулосани Агропортал орқали Агентликка юборади.	3 иш кунда
5-босқич	Агентлик	Туман экология бўлими ва мустақил эксперт томонидан юборилган ижобий хулосаларига асосан субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги махсус ундирувга йўл қўйилмайдиган ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш кунда

**Қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилишда кредит ва лизинг фоизларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида**

## **НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилишда кредит ва лизинг фоизларининг бир қисмини қоплаш мақсадида субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**автопилот ускунаси** – қишлоқ хўжалиги техникаларини инсон аралашувисиз ёки кам аралашув билан бошқаришга имкон берадиган электрон-механик тизим;

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**субсидия** – талабгор томонидан янги қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунаси кредит ва лизинг шартларида харид қилинганда, уларнинг фоиз харажатлари бир қисмини қоплаб бериш учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва/ёки механизация хизматларини кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**қишлоқ хўжалиги техникаси** – маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган, қишлоқ хўжалигида механизация ишларини бажарадиган барча турдаги тракторлар, комбайнлар, тиркамалар ва агрегатлар, шунингдек, хориждан тайёр ҳолда олиб келинадиган, аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкалари (қўш қатор), лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегати (кейинги ўринларда – лазерли ер текислагич агрегати), пахта териш машиналари ва ғалла ўриш комбайнлари;

**куёш панеллари** – қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, чорвачилик хўжаликлари, фермер ва деҳқон хўжаликларида суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида ўрнатиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари.

3. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, куёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилишга бўлган талаблардан келиб чиқиб, бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

Бунда субсидия учун зарур маблағлар Марказий банк асосий фоиз ставкасининг ўзгаришига қараб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5. Янги қишлоқ хўжалик техникасини лизинг ёки кредит шартларида харид қилиш учун ажратилган лизинг ёки кредит фоизининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш, куёш панеллари, қишлоқ хўжалик техникасига автопилот ускунасини кредит шартларида харид қилиш учун ажратилган кредит фоизининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

#### 6. Талабгорга ушбу Низом талаблари асосида:

лизинг ҳамда кредит маблағлари ҳисобидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаси фоиз тўловининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидия лизинг ташкилоти (ёки тижорат банки) ва Агентлик ўртасида тузиладиган Бош битимга мувофиқ;

кредит маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган сув тежовчи суғориш технологиялари, куёш панеллари ҳамда автопилот ускунаси фоиз тўловининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидия тижорат банки ва Агентлик ўртасида тузиладиган Бош битимга мувофиқ ажратилади.

Субсидия миқдори талабгор ва лизинг ташкилоти ёки тижорат банки ўртасида тузиладиган шартнома шартларида акс эттирилиши шарт.

7. Субсидия Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган қонунчиликда белгиланган тартибда фаолият кўрсатувчи лизинг ташкилоти ва тижорат банкларига ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

8. Субсидия миллий валютада ажратилганда, лизинг олувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги техникасининг шартномада кўрсатилган қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда автопилот ускунасининг шартномада кўрсатилган қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўланганда ажратилади.

9. Субсидия:

а) лизинг ёки кредит шартномасида белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктдан, автопилот ускунасини харид қилиш учун ажратилган кредитнинг 14 фоизлик пунктдан юқори, бироқ 8 фоизлик пунктдан ошмаган қисмини;

б) сувни тежайдиган суғориш технологияларини харид қилиш ва қуриш мақсадида тижорат банклари томонидан ҳар бир гектар ер майдонига ажратилган кредитларнинг 20 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган қисми учун 14 фоизлик пунктдан юқори, бироқ 10 фоизлик пунктдан ошмаган қисмини;

в) қуёш панеллари учун 14 фоизлик пунктдан юқори, бироқ 10 фоизлик пунктдан ошмаган қисмини қоплаш учун ажратилади.

10. Агентликка Агропортал орқали буюртманома билан биргаликда ҳар бир талабгор кесимида умумлаштирилган рўйхатни:

**лизинг ташкилоти ва тижорат банки** томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегати учун ажратилган лизинг ёки кредит шартлари бўйича фоиз тўловларининг талабгорга тегишли қисми тўлангандан сўнг ҳисобланган фоизнинг бир қисмини қоплаш учун;

**тижорат банки** сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ҳамда қуёш панеллари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилиш учун талабгорга ажратилган кредит фоизларининг бир қисмини қоплаш учун юборади.

Бунда талабгорларнинг номи ва СТИР рақами, ажратилган кредит суммаси, кредит муддати, фоиз ставкаси, кредит мақсади, кредит берилган сана, кредитни қайтариш санаси, ҳисобварағидаги (16325...) ҳисобланган фоизлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

11. Агентликка тақдим этилган буюртманома ва рўйхатнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги, лизинг ёки кредит ажратиш ва улар бўйича субсидия олишнинг барча жараёни ушбу Низом талабларига мувофиқлиги юзасидан масъулият лизинг ташкилоти ва тижорат банкларининг раҳбарларига юкланади.

Мазкур талаблар бажарилмагани оқибаотида ортиқча тўланган субсидия лизинг ташкилоти ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан Агентликка қайтарилади.

Субсидия Агентлик томонидан уч иш кунда Агропортал орқали лизинг ташкилоти ёки тижорат банкининг буюртманомада кўрсатилган банк ҳисобварағига ўтказилади.

### **3-боб. Субсидияни ҳисоблаш ва ажратишни тўхтатиш**

#### **12. Талабгорнинг лизинг ёки кредит шартномаси:**

барча турдаги комбайнлар ва двигатель қуввати 100 от кучидан кўп бўлган тракторлар учун 10 йилгача;

қолган тракторлар, осма ва тиркама техникалар, шунингдек, автопилот ускунасини харид қилиш учун 7 йилдан кўп бўлмаган муддатга;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари ва қуёш панелларини харид қилиш учун 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Талабгорнинг сўровига асосан ушбу бандда кўрсатилган муддатлар қисқартирилиши мумкин.

13. Субсидия ушбу Низом талаблари асосида расмийлаштирилган лизинг ва кредит муддатидан ҳамда қолдиқ қарз суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бунда тўлов жадвали бўйича муддати ўтган қарздорликка қайта субсидия ҳисобланишига йўл қўйилмайди.

Талабгор лизинг ёки кредитни уни муддати ўтгандан сўнг қайтарганда, ажратиладиган субсидия тасдиқланган тўлов жадвалида қайд этилган суммадан ошмаслиги лозим.

14. Талабгор шартноманинг тўлов жадвалига мувофиқ ўзига тегишли бўлган лизинг тўловларини (субсидия сифатида бериладиган фоиздан ташқари) тўлиқ тўлаган бўлиши шарт.

15. Субсидия лизинг ташкилоти учун ҳар чоракда, тижорат банки учун ҳар ойда кейинги ойнинг 20-санасигача тақдим этилган буюртманомалар бўйича ҳисобланган жорий фоизлар миқдорида ҳисоб-китоб қилинади.

16. Агентлик томонидан лизинг ташкилоти ёки тижорат банки ҳисобварағига талабгор учун ҳисобланган фоиз тўловини қисман қоплаш учун ўтказиб берилган субсидия ушбу қарз олувчининг ҳисобланган фоиз тўловлари учун ҳисоб-китоб қилинади.

17. Ажратилган субсидия талабгорга ҳисобланган субсидия миқдоридан кўп бўлган тақдирда, ортиқча маблағлар икки банк иш кунидан кечиктирмасдан Агентлик ҳисобварағига қайтариб ўтказилади.

18. Лизинг ёки кредит шартномасининг шартлари ўзгарган тақдирда, илгари тасдиқланган ва ҳисобланган субсидия миқдори оширилмайди ва субсидия муддати узайтирилмайди.

19. Субсидия ажратилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) лизинг ёки кредит шартномаси бўйича субсидия мақсадсиз сарфлангани аниқланганда, талабгор томонидан лизинг ёки кредит асосий қарзининг тегишли қисми тўлов жадвалида белгиланган санадан бошлаб 90 кун давомида тўлиқ тўланмаса;

б) талабгор томонидан лизинг ёки кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда;

в) талабгорнинг субсидия олишни тўхтатиш тўғрисидаги муурожаати мавжуд бўлганда;

г) лизинг ёки кредит шартномаси тўлиқ бекор қилинганда ҳамда қарз мажбуриятлари бошқа шахсга ўтказилганда.

20. Субсидия ажратиш юзасидан буюртмалар қуйидаги ҳолларда тақдим этилмайди:

кредит фоиз ставкалари ушбу низом билан белгиланган фоизлардан кўп бўлганда;

кредитни қайтариш муддати беш йилдан кўп бўлганда;

кредит хорижий валютада ажратилганда;

кредит эски харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларга ажратилганда;

кредит 2025 йил 1 июлдан олдин ўрнатилган қуёш панеллари ҳамда жорий этилган сувни тежайдиган суғориш технологиялари учун ажратилганда.

21. Қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари, қуёш панеллари, автопилот ускуналари хариди ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича лойиҳаларни кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошираётган, бироқ тижорат банклари томонидан Агропорталга киритилмай қолган талабгорларда юзага келган қарздорлик тижорат банклари ёки лизинг ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

Агар талабгорнинг кредит ва лизинг тўловларини қайтариш графикларидаги ўзгаришлар инобатга олинмаслиги натижасида ортиқча субсидия тўловлари юзага келса, ушбу маблағлар тижорат банки ва лизинг ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан Агентликка қайтариб тўлаб берилади.

**4-боб. Яқунловчи қоидалар**

22. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

Мақсадсиз фойдаланилган субсидия Бош битим шартларига асосан Агентликка қайтарилади.

23. Тарафлар ўртасида юзага келадиган низолар белгиланган тартибда суд томонидан ҳал этилади.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилишда кредит ва лизинг фоизларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг ёки кредит шартларида харид қилиш учун ажратилган лизинг ёки кредит фоизини қоплаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Лизинг ташкилоти ёки тижорат банки	Қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегати учун ажратилган лизинг ёки кредит шартлари бўйича фоиз тўловларининг талабгорга тегишли қисми тўлангандан сўнг ҳисобланган фоизнинг бир қисмини қоплаш учун ҳар бир қарз олувчилар кесимида Агентликка Агропортал орқали буюртманома юборади.	Тижорат банклари ҳар ойнинг 20-санасигача. Лизинг ташкилотлари ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 20-санасигача.
2-босқич	Агентлик	Субсидия Агропортал орқали лизинг ташкилоти ёки тижорат банкининг буюртманомада кўрсатилган банк ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш кунида

Қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилишда кредит ва лизинг фоизларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш, қуёш панеллари, қишлоқ хўжалик техникасига автопилот ускунасини кредит шартларида харид қилиш учун ажратилган кредит фоизини қоплаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Тижорат банки	Талабгорлар томонидан ўзига тегишли фоиз тўловини тўлагандан сўнг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ҳамда қуёш панеллари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилиш учун талабгорга ажратилган кредит фоизларининг бир қисмини қоплаш учун Агентликка Агропортал орқали буюртманома юборади.	Ҳар ойнинг 20-санасигача
2-босқич	Агентлик	Агропортал орқали тижорат банкининг буюртманомада кўрсатилган банк ҳисобварағига субсидияни ўтказди.	3 иш кунида

**Озиқ-овқат саноати корхоналарида халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш, лабораторияларга зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида**

## **НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом озиқ-овқат саноати корхоналарида Халқаро аккредитация форумига (кейинги ўринларда – IAF) аъзо давлатларда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва сертификатлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари синовлари учун зарур бўлган лаборатория ускуналари, ўлчаш воситалари ва жиҳозларини харид қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**лаборатория учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозлар** – озиқ-овқат маҳсулотлари синовлари учун зарур бўлган лаборатория таҳлилларини амалга оширишда фойдаланиладиган жиҳозлар (синов ва ўлчаш воситалари, стандарт намуналар, намуналарни синовга тайёрлаш учун фойдаланиладиган воситалар, синов жараёнида фойдаланиладиган электрон дастурлар, прекурсорлар, реагентлар, реактивлар ва кимёвий воситалар);

**масъуллар** – туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агросаноатни ривожлантириш агентлиги) туман лойиҳа офиси раҳбарлари;

**мустақил эксперт** – талабгор томонидан ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганувчи ҳамда субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан хулоса берувчи тегишли ҳуқуқларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

**сифатни бошқариш тизимига берилган мувофиқлик сертификати** – халқаро стандартлар талабларига асосан сифатни бошқариш тизими жорий қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**субсидия** – озиқ-овқат саноати корхоналарида IАFга аъзо давлатларда аккредитация қилинган сертификатлаш органлари томонидан халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва сертификатлаш, лабораториялар учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни харид қилиш, ишга тушириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – IАFга аъзо давлатларда аккредитация қилинган сертификатлаш органлари томонидан халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва сертификатлаш ҳамда лабораториялар учун зарур бўлган ускуна, жиҳозларни харид қилиш ҳамда 2025 йилда ёки ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилган узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш юзасидан мурожаат қилган юридик шахс;

**узумни (майиз) қадоқлаш линиялари** – қуритилган узумни қадоқлаш учун ўрнатилган махсус ускуналар занжири;

**узумни қуритиш линиялари** – механик усулда, куюш ва шамол ёрдамида ёки иссиқ ҳаво ҳайдаш орқали узумни қуритиш учун ўрнатилган ускуналар занжири;

**халқаро сифатни бошқариш тизими** – халқаро стандарт талабларига асосан маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш мақсадида иш жараёнларини бошқаришни баҳоловчи бошқарув тизими.

3. Субсидия қуйидаги йўналишларга алоҳида ажратилади:

халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва сертификатлаш;

лабораториялар учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни харид қилиш ҳамда ишга тушириш;

узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш.

Талабгор ҳар бир йўналишда фақат бир маротаба субсидия олиши мумкин.

4. Субсидия:

халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва сертификатлаш харажатларининг 50 фоизи, бироқ 500 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

лабораториялар учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни харид қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ 500 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, бироқ 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилади.

5. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва сертификатлаш, лабораториялар учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозлар, узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларига бўлган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инobatга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

7. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схема бўйича ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

8. Талабгор субсидия олиш учун ариза билан Агропортал орқали масъулларга мурожаат қилади.

9. Талабгор аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

**а) халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилгани бўйича:**

халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва сертификатлаш бўйича тузилган шартномалар нусхалари;

халқаро сифатни бошқариш тизими жорий қилингани юзасидан мувофиқлик сертификати нусхаси;

давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси нусхаси;

**б) лаборатория учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозлар ишга туширилгани бўйича:**

лаборатория учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар нусхалари;

лаборатория учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларга расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатлари нусхалари;

лаборатория учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозлар харид қилинганлигини, етказиб берилганлигини ва ўрнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (электрон ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси нусхаси);

лаборатория учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларнинг паспортлари нусхаси;

ишга туширилган лаборатория ускуналари ва жиҳозларини талабгор балансига олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

лаборатория ўлчаш воситаларининг метрологик кўриқдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Бунда ишга туширилган лаборатория ускуна ва жиҳозларининг ишлаб чиқарилган муддати икки йилдан ошмаган бўлиши лозим;

**в) узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини қуриш харажатларини бир қисмини қоплаш бўйича:**

узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини қуриш учун ер участкаси ажратилгани тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси (ер участкаси ажратилгани тўғрисида туман ҳокими қарори, ер участкасига тузилган узоқ муддатли ижара шартномаси);

узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ўрнатиш ва қуриш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси;

амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси (узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи)) билан тузилган шартнома, электрон ҳисоб-фактура, тўлов ҳужжатлари ёки солиштирма далолатнома, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси.

Талабгордан ушбу бандда кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ҳамда ҳаққонийлиги бўйича талабгор жавобгар ҳисобланади.

10. Талабгор ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ ёки белгиланган тартибда расмийлаштирмаган ҳолда тақдим қилганда, масъуллар томонидан икки иш кунини сабаблари кўрсатилиб, Агропортал орқали аризани қабул қилиш рад этилади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, масъуллар ариза тушган кундан эътиборан беш иш кунини жойига чиққан ҳолда:

а) талабгор томонидан халқаро сифатни бошқариш тизими жорий қилингани ва сертификатлаштирилгани, лаборатория учун зарур бўлган ускуна ҳамда жиҳозлар, тўлиқ ишга туширилганлигини ўрганади;

б) талабгорга халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва сертификатлаш, шунингдек, лаборатория учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни харид қилиш харажатларининг ҳар бири учун 50 фоизи, бироқ 500 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилган субсидиянинг миқдорини аниқлайди;

в) ўрнатилган узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линиялари бўйича:

2025 йил ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилганлигини;

талабгор ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида узумни (майиз) қуритиш ва қадоклаш линияларини қуриш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини;

қуритиш ва қадоклаш линияларининг олди-сотди шартнома шартларига ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳамда техник ҳужжатлар (паспорт) талабларига мувофиқлиги ва янгилигини ўрганади;

узумни (майиз) қуритиш ва қадоклаш линияларини харид қилиш харажатларининг 20 фоизигача, бироқ 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия суммасини аниқлайди.

Масъуллар мазкур бандда назарда тутилган талаблар тўлиқ бажарилган тақдирда, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги бўйича электрон тарзда тасдиқланган хулосани Агентликка Агропортал орқали юборади.

12. Масъуллар томонидан талабгорнинг аризаси беш иш кунда кўриб чиқилмаганда ёки тегишли хулоса расмийлаштирилмаганда, масъулларнинг хулосаси ижобий деб қабул қилинади ва субсидияни ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан жавобгарлик масъуллар зиммасига юкланади.

Бунда ушбу ариза Агропортал орқали автоматик равишда тўғридан тўғри Агентликка юборилади.

13. Ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган талаблар тўлиқ бажарилмаганда, масъуллар томонидан аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда субсидия ажратиш рад этилади ва талабгорни бир иш кунда Агропортал орқали хабардор қилинади.

Субсидия ажратиш рад этилганда, талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда икки ой давомида қайта мурожаат қилиши мумкин.

14. Масъуллар талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиришда хулосанинг ҳаққонийлигига жавобгар ҳисобланади.

Бунда:

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – ишлаб чиқариш корхонаси ва унинг лабораторияси, узумни (майиз) қуритиш ва қадоклаш линиялари жойлашган жой, майдони, ишловчилар сони тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига;

Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг туман лойиҳа офиси раҳбари – харид қилинган лаборатория ускуналари ва жиҳозларининг ишлаб чиқарилганлигига икки йилдан ошмаганлигига, стандарт талаблар асосида ишга туширилганлигига.

15. Агентлик масъуллар томонидан Агропортал орқали тақдим этилган ижобий хулоса келиб тушган кундан бошлаб бир кун муддатда жойига чиқиб, ўрганиш ва хулоса бериш учун мустақил экспертга буюртманомга юборади.

Мустақил эксперт уч иш кунида жойига чиққан ҳолда талабгор томонидан бажарилган ишларни ушбу Низом талабларига мувофиқ бажарилганлигини ўрганади ва субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисида хулосани Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.

Мустақил эксперт жойига чиқиб ўрганишда:

субсидия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда ҳаққонийлигини;

узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линиялари ишга туширилгани ва соз ҳолда мақсадли фойдаланиб турганлигини;

халқаро сифатни бошқариш тизими жорий қилингани ва сертификатлаштирилгани, лаборатория учун зарур бўлган ускуна ҳамда жиҳозлар, тўлиқ ишга туширилганлигини ўрганади.

16. Агентлик масъуллар ҳамда мустақил эксперт томонидан Агропортал орқали тақдим этилган ижобий хулосаларга асосан уч иш кунида талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради.

Мустақил эксперт томонидан субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича хулоса берилганда, Агентлик субсидия ажратилмаслиги бўйича талабгорни бир иш кунида Агропортал орқали ёки СМС-хабарнома орқали хабардор қилади.

**3-боб. Озиқ-овқат саноати корхоналари лабораторияларига зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларидан фойдаланиш юзасидан мониторинг юритиш**

17. Масъуллар озиқ-овқат саноати корхоналари лабораторияларига зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларидан беш йил мобайнида фойдаланиш юзасидан мониторинг юритади.

Бунда талабгор ускуна ва жиҳозлар ҳамда қуритиш ва қадоқлаш линияларидан беш йилдан кам бўлмаган муддатда фойдаланишлари лозим.

18. Мониторинг натижалари асосида масъуллар томонидан икки нусхада далолатнома тузилади ҳамда далолатноманинг бир нусхаси талабгорда сақланади.

Масъуллар томонидан тузилган далолатномалар Агентликка бир иш кунида юборилади.

19. Агентлик масъуллар томонидан тақдим этилган далолатномага асосан талабгорга субсидияни бир ой давомида ушбу Низомнинг 20-бандда белгиланган миқдорларда Агентликнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариш бўйича огоҳлантириш хатини юборади.

20. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, талабгор томонидан Агентликка субсидия куйидаги тартибда қайтарилади:

биринчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 100 фоизи;

иккинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 80 фоизи

учинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 60 фоизи

тўртинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 40 фоизи

бешинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 20 фоизи.

21. Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумот юборилади ёки судга даъво аризаси киритилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

22. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш, лабораторияларга зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Озиқ-овқат саноати корхоналарида халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш, лабораторияларга зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Агропортал орқали туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги туман лойиҳа офиси раҳбарларига (кейинги ўринларда – масъуллар) мурожаат қилади.	Ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг
2-босқич	Масъуллар	Талабгорнинг аризасини ўрганиб чиқади ва субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигини ўрганади ва хулосани Агентликка юборади.	5 иш кунда
3-босқич	Агентлик	Ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун мустақил экспертга юборади.	1 иш кунда
4-босқич	Мустақил эксперт	Жойига чиққан ҳолда бажарилган ишларни ўрганиб чиқиб, ҳаққонийлиги бўйича хулоса беради.	3 иш кунда
5-босқич	Агентлик	Масъуллар ҳамда мустақил эксперт томонидан Агропортал орқали тақдим этилган ижобий хулосасига асосан талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради.	3 иш кунда

**Қорақалпоғистон Республикаси совиткичли сиғимлар уюшмасига  
аъзо субъектларга совиткичли сиғимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш  
ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида совиткичли  
сиғимларнинг электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир  
қисмини қоплаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси совиткичли сиғимлар уюшмасига (кейинги ўринларда – Уюшма) аъзо субъектларга Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида совиткичли сиғимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида совиткичли сиғимларнинг қиш ва баҳор ойларида электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари Уюшмага аъзо бўлмаган, совиткичли сиғимларни ишга туширмаган ҳамда 2024 йил 1 январгача совиткичли сиғимларни қурган ва жиҳозлаган субъектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;**

**масъуллар –** субсидия ажратилишига кўмаклашиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи (кейинги ўринларда – Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими) ва Уюшма раҳбари;

**мустақил эксперт –** талабгор томонидан ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганувчи ҳамда субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан хулоса берувчи, тегишли ҳуқуқларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

**совиткичли сиғимлар –** асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қулай шароитда сақлашга мўлжалланган ёпиқ турдаги ва совиткичли ускуналар билан жиҳозланган сиғимлар;

**совиткичли сиғимларни жиҳозлаш –** асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган ёпиқ турдаги совиткичли сиғимларни зарур қурилма, ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш;

**субсидия** – Уюшмага аъзо субъектларга советкичли сиғимларини куриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида советкичли сиғимларнинг электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – Қорақалпоғистон Республикаси советкичли сиғимлар уюшмасига аъзо бўлган ҳолда, советкичли сиғимларни ишга туширган ҳамда советкичли сиғимларни куриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида советкичли сиғимларнинг қиш ва баҳор ойларида электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида субсидия олиш учун мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахслар.

### 3. Субсидия:

ҳар бир советкичли сиғимни куриш ва/ёки жиҳозлаш харажатларининг 30 фоизи, бироқ 150 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорини;

советкичли сиғимлардан фойдаланиш учун қиш ва баҳор ойларида сарфланган электр энергияси қийматининг 50 фоизини қоплаб бериш учун ажратилади.

4. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Уюшма билан биргаликда асосий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу маҳсулотларни сақлаш учун курилиши ва жиҳозланиши режалаштирилаётган советкичли сиғимларнинг прогноз параметрларини аниқлайди ва ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида советкичли сиғимларни куриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда советкичли сиғимларнинг электр энергияси истеъмоли прогноз параметрларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инobatга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

6. Субсидия ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларда келтирилган схемалар бўйича ажратилади.

## 2-боб. Субсидияни ажратиш

7. Талабгор субсидия ажратиш бўйича Масъулларга Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) совиткичли сиғимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш бўйича:

Уюшмага аъзоликни тасдиқловчи ҳужжат;

тегишли кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдан кўчирма;

қуриш ва/ёки жиҳозлаш бўйича тузилган шартнома;

амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар, электрон ҳисоб-фактуралар) нусхалари;

б) совиткичли сиғимларнинг электр энергияси истеъмоли бўйича:

Уюшмага аъзоликни тасдиқловчи ҳужжат (Қорақалпоғистон Республикасидаги талабгорлар учун);

туман (шаҳар) электр тармоқлари ташкилоти билан тузилган таққослаш далолатномаси ва ҳисоб-фактураларининг нусхаси;

компрессор қувватини ҳисобга олган ҳолда, совиткичли сиғим истеъмол қиладиган электр энергияси миқдорини кўрсатиб берадиган талабгор томонидан ихтиёрий шаклда тасдиқланган маълумотнома.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

Масъуллар томонидан талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди;

Ушбу бандда кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, масъуллар томонидан талабгорнинг аризасини қабул қилиш рад этилади.

8. Совиткичли сиғимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида субсидия олиш учун талабгор томонидан юборилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, масъуллар ариза тушган кундан эътиборан беш иш кунинда объект ишга туширилгани ва/ёки жиҳозланганини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Қуйидаги мезонлар асосида кўриб чиқилади:

Низомнинг 7-бандига асосан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги;

совиткичли сиғимнинг Уюшмага аъзо субъект томонидан қурилгани ва/ёки жиҳозлангани, шунингдек, ишга туширилгани.

9. Масъуллар ўрганиш натижаларига кўра ишга туширилган совиткичли сиғим ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мезонларга

мувофиқ бўлганда, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани электрон имзо билан тасдиқлайди ва Агропортал орқали Агентликка юборади.

Агар талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқ бўлмаганда ёки сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда, масъуллар аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш рад этилгани ҳақида Агропортал орқали бир иш кунда талабгорга маълум қилади.

10. Соويتкичли сиғимларнинг электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида субсидия олиш учун талабгор томонидан юборилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари ариза тушган кундан эътиборан **беш иш кунда** аризадаги маълумотларни жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Ариза куйидаги мезонлар бўйича ўрганиб чиқилади:

соويتкичли сиғим бўйича ҳисобланган электр энергияси истеъмоли ҳажмида бошқа ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари сарфлари ҳисобга олинмагани;

озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилиши.

11. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўрганиш натижасида, агар талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар:

ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқ бўлса, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани электрон имзо билан тасдиқлайди ва Агропортал орқали Агентликка юборилади;

ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқ бўлмаса, аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича хулоса бериш рад этилгани ҳақида Агропортал орқали талабгорга бир иш кунда маълум қилинади.

12. Субсидия ажратиш рад этилганда, талабгор масъуллар ва/ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари хулосасида кўрсатилган камчиликларни тўлиқ бартараф қилгандан сўнг Агропортал орқали субсидия ажратиш тўғрисида қайта мурожаат қилиши мумкин.

13. Талабгор масъуллар ва/ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосасидан норози бўлса, судга шикоят қилишга ҳақли.

14. Агентлик масъулларнинг хулосаси асосида **бир иш кунда** талабгор томонидан бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун мустақил экспертга буюртма юборади.

Мустақил эксперт жойига чиқиб ўрганишда советкичли сиғимнинг Уюшмага аъзо субъект томонидан қурилгани ва/ёки жиҳозланганини ўрганади.

15. Мустақил эксперт уч иш кунда жойига чиққан ҳолда талабгорлар томонидан бажарилган ишлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бажарилганини ўрганади ва советкичли сиғимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисида хулосани ҳамда бажарилган ишларни талабгорнинг жойлашган манзили бўйича (локацияси) бўйича фото маълумотларни Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.

16. Агентлик уч иш кунда мустақил экспертнинг ёки масъуллар ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг ижобий хулосасига асосан талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига Агропортал орқали субсидияни ўтказиб беради.

### **3-боб. Советкичли сиғимлар ишлатилишини мониторинг қилиш**

17. Талабгор советкичли сиғимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратилган кундан бошлаб беш йил давомида фаолиятини ўзгартирмаган ҳолда советкичли сиғимни ишлатиши шарт.

18. Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими:

талабгор иштирокида субсидия ажратилган советкичли сиғимлар ишлатилиши устидан бир йилда бир марта мониторинг ўтказиши;

мониторинг натижалари асосида икки нусхада далолатнома тузилади ҳамда далолатноманинг бир нусхаси талабгорда сақланади.

Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан тузилган далолатнома Агентликка бир иш кунда юборилади.

19. Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан тақдим этилган далолатномага асосан ушбу Низом талаблари бузилгани қайд этилса, Агентлик талабгорга субсидияни **бир ой давомида** тўлиқ Агентликнинг Ҳазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариш бўйича огоҳлантириш хатини юборади.

20. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган йилга қараб, талабгор томонидан Агентликка субсидия қуйидаги тартибда қайтарилади:

2 йилда – 80 фоиз;

3 йилда – 60 фоиз;

4 йилда – 40 фоиз;

5 йилда – 20 фоиз.

21. Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумот юборилади ёки судга даъво аризаси киритилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

22. Субсидия ажратишда юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара ўтказиш орқали ҳал этилади.

Бунда тарафлар ўртасидаги келишмовчиликлар музокара ўтказиш орқали ҳал этилмаган тақдирда, суд тартибида ҳал этилади.

23. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси советкичли  
 сифимлар уюшмасига аъзо субъектларга советкичли  
 сифимларни куриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда  
 Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах  
 вилоятидаги советкичли сифимларнинг электр  
 энергияси истеъмоли харажатларининг бир  
 қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
 1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси советкичли сифимлар уюшмасига  
 аъзо субъектларга советкичли сифимларни куриш ва/ёки жиҳозлаш  
 харажатларининг бир қисмини қоплаш  
 СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Амалга ошириш механизми	Муддати
1-босқич	Талабгор	Субсидия ажратиш бўйича масъулларга Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади.	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Масъуллар	Агропортал орқали тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган хужжатларни, шунингдек, объект ишга туширилгани ва/ёки жиҳозланганини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани электрон имзо билан тасдиқлайди ва Агропортал орқали Агентликка юборади.	5 иш кунида
3-босқич	Агентлик	Бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун мустақил экспертга буюртма юборади.	1 иш кунида
4-босқич	Мустақил эксперт	Жойига чиққан ҳолда талабгорлар томонидан бажарилган ишларни ушбу Низом талабларига мувофиқ бажарилганини ўрганади ва субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисида хулосани ҳамда бажарилган ишларни талабгорнинг жойлашган манзили бўйича (локацияси) бўйича фото маълумотларни Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.	3 иш кунида
5-босқич	Агентлик	Субсидияни мустақил экспертнинг ижобий хулосасига асосан талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради ёки мустақил экспертнинг салбий хулосасига асосан субсидия ажратишни рад этади ва талабгорни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда Агропортал ёки SMS хабарнома орқали хабардор қилади.	3 иш кунида

Қорақалпоғистон Республикаси совиткичли  
 сиғимлар уюшмасига аъзо субъектларга совиткичли  
 сиғимларни куриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда  
 Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах  
 вилоятидаги совиткичли сиғимларнинг электр  
 энергияси истеъмоли харажатларининг бир  
 қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
 2-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси совиткичли сиғимлар уюшмасига аъзо ҳамда  
 Жиззах вилоятидаги субъектларга ишга туширилган совиткичли  
 сиғимларнинг қиш ва баҳор ойларида электр энергияси истеъмоли  
 харажатларининг бир қисмини қоплаш  
 СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Амалга ошириш механизми	Муддати
1-босқич	Талабгор	Субсидия ажратиш юзасидан худудий электр тармоқлари корхонасига Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади.	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари	Агропортал орқали тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган хужжатларни, шунингдек, совиткичли сиғим бўйича ҳисобланган электр энергияси истеъмоли ҳажмида бошқа ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари сарфлари ҳисобга олинмагани ҳамда озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини жойига чиққан ҳолда ўрганати ва субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани электрон имзо билан тасдиқлайди ва Агропортал орқали Агентликка юборади.	5 иш кунда
3-босқич	Агентлик	Субсидияни масъуллар ва худудий электр тармоқлари корхоналари бошлигининг ижобий хулосасига асосан талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш кунда

**Иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали агроном, энтомолог  
ва лаборатория мутахассислари ҳамда маҳаллий озиқ-овқат саноати  
корхоналари томонидан хорижий мутахассисларни жалб қилиш  
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини ҳамда маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан муҳандис-технолог, маркетолог, дизайнер ва халқаро стандартлар бўйича хорижий мутахассислар (кейинги ўринларда – хорижий мутахассис) иш ҳақининг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**иссиқхона хўжалиги** – саноат усулида иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа юридик шахс мақомига эга қишлоқ хўжалиги корхонаси;

**озиқ-овқат саноати корхонаси** – саноат усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ва чуқур қайта ишлаш асосида тайёр ёки ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахс мақомига эга корхона;

**субсидия** – талабгор томонидан жалб қилинган хорижий мутахассисга тўланган иш ҳақининг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – йиллик тушумида тайёр ёки ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари экспортдан тушум улуши камида 30 фоизни ташкил қиладиган ҳамда ҳар йили 1 (бир) миллион АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдаги маҳсулотларни экспорт қилган ва хорижий мутахассисларни жалб қилган **озиқ-овқат саноати корхонаси** ёки иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини жалб қилган **иссиқхона хўжалиги**;

малакали агрономлар “яшил реестри” – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориладиган хориждан жалб қилинадиган малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассислари рўйхати.

3. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун хорижий мутахассисларга бўлган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

5. Субсидия қуйидагиларга 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда ажратилади:

маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан муҳандис-технолог, маркетинг, дизайнер ва халқаро стандартлар бўйича ҳар бир хорижий мутахассисга тўланган ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

иссиқхона хўжаликларига хориждан жалб қилинган малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларига тўланган ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

6. Субсидия хорижий мутахассисни жалб қилган талабгорга ҳар бир касб (лавозим) бўйича фақат бир нафар хорижий мутахассис учун ажратилади.

7. Ер майдони 1 гектардан 10 гектаргача бўлган ва саноат усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи иссиқхона хўжалиги томонидан мавсум даврида хориждан 1 нафар малакали мутахассис жалб этилади.

Бунда туташ ҳудудларда жойлашган ва умумий майдони 10 гектардан ошмайдиган бир неча иссиқхона хўжаликлари ўзаро келишув асосида хориждан жалб қилинган малакали мутахассис хизматидан фойдаланиши мумкин.

8. Субсидия ушбу Низомга иловага мувофиқ схемага асосан ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

9. Талабгор хорижий мутахассис билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузиб, иш ҳақи ҳисоблагандан сўнг субсидия олиш учун ариза билан Агрортал орқали Агентликка мурожаат қилади.

10. Талабгор аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

солиқ тўловчининг идентификация рақами ва жойлашган жойи (почта ва электрон манзили), хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги ҳисобварағи;

хорижий мутахассисни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумот;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан берилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқноманинг нусхаси;

хорижий мутахассис билан тузилган меҳнат шартномаси ва унинг меҳнат фаолиятига оид ҳужжат нусхаси ҳамда ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумот;

озиқ-овқат саноати корхоналари охириги бир йил давомида камида 1 (бир) миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортга йўналтирилгани ва йиллик тушумда экспорт қилинган тайёр ёки ярим тайёр маҳсулотлар улуши камида 30 фоизни ташкил қилгани ҳақидаги маълумот (иссиқхона хўжаликлари бундан мустасно);

хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг хорижий валюта кирими тасдиқланган маълумотномаси;

хорижий мутахассис камида 5 йиллик иш тажрибага эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Талабгордан ушбу бандда кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Талабгор аризадаги маълумотлар ва тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

11. Талабгор ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилганда, Агентлик томонидан икки иш кунида сабаблари кўрсатилиб, аризани қабул қилиш рад этилади.

Бунда талабгорни хулосада кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги бўйича Агропортал орқали хабардор қилади.

12. Агентлик талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризасини беш иш куни ичида ушбу Низом талабларига мувофиқ ўрганиб чиқади.

Бунда Агентлик Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Солиқ кўмитасининг ахборот тизимларидан ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган маълумотларни Агропорталга интеграция қилиш орқали олади.

### 13. Агентлик:

талабгорнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда ҳамда интеграция орқали олинган маълумотлар билан мос келганда, **бир иш куни** ичида субсидияни талабгорнинг тижорат банклардаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб, субсидия ажратишни рад этган тақдирда, талабгорни Агропортал орқали рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда **бир иш куни**да хабардор қилади.

Талабгор Агентликнинг қароридан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи органга ёки белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

### **3-боб. Хориждан малакали мутахассисларнинг жалб қилиниши натижадорлиги юзасидан мониторинг юритиш**

14. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг туман лойиҳа офислари:

субсидия ажратилган озиқ-овқат саноати корхонаси ва иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали мутахассисларнинг жалб қилиниши бўйича доимий мониторинг ўтказди;

Агентликка ҳар йили бир мартаба субсидия ажратилган тадбиркорлик субъектлари кесимида мониторинг натижалари бўйича маълумот киритиб боради.

15. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра озиқ-овқат саноати корхонаси ёки иссиқхона хўжалигига жалб қилинган хорижий мутахассис меҳнат шартномаси муддати давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетгани ҳамда талабгор фаолият юритмаётгани (тўхтатилган ёки тугатилган) аниқланганда, субсидия ажратиш тўхтатилади.

### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

16. Субсидия беришда юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади.

Бунда тарафлар ўртасида келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилмаган тақдирда, низолар суд тартибида ҳал қилинади.

17. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Иссиқхона хўжаликларига хориждан  
 малакали агроном, энтомолог  
 ва лаборатория мутахассислари ҳамда  
 маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари  
 томонидан хорижий мутахассисларни жалб  
 қилиш харажатларининг бир қисмини  
 қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
 илова

**Хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларининг  
 бир қисмини қоплаб бериш учун субсидия ажратиш  
 СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Хорижий мутахассис билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиб, иш ҳақи ҳисоблагандан сўнг субсидия олиш учун ариза билан Агропортал орқали Агентликка мурожаат қилади.	Хорижий мутахассис жалб қилингандан сўнг
2-босқич	Агентлик	<p>1. Агентлик талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризасини беш иш куни ичида ушбу Низом талабларига мувофиқ ўрганиб чиқади.</p> <p>2. Талабгорнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда ҳамда интеграция орқали олинган маълумотлар билан мос келганда, субсидияни талабгорнинг тижорат банклардаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.</p>	<p>5 иш кунида</p> <p>1 иш кунида</p>

**Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларига лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан ер текислаш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, агрокластерлар ҳамда кооперацияларнинг лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган экин майдонларига сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчиларнинг лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган суғориладиган экин майдонларига татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**субсидия** – Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, агрокластерлар ҳамда кооперацияларнинг лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган экин майдонларига сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – Қорақалпоғистон Республикасида пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи юридик шахс мақомига эга фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрокластерлар, кооперациялар.

3. Талабгорга лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган ҳар бир гектар экин майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари харажатларининг 100 фоизини, бироқ ҳар гектари учун 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган қисмини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратилади.

4. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган ҳар бир гектар экин майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш материалларига талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

6. Субсидия ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага асосан ажратилади.

## **2-боб. Субсидия ажратиш бўйича ариза билан мурожаат қилиш**

7. Талабгорга субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – туман ишчи гуруҳи) ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий таркибда ҳар бир туманда ташкил этилади.

8. Талабгор экин майдонини лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текислаб бўлгандан сўнг беш иш кун ичида туман ишчи гуруҳига субсидия ажратиш бўйича Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади ҳамда аризага қуйидагиларни илова қилади:

а) экин майдонини лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текислаш бўйича тузилган пудрат шартномасининг нусхаси (агар лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат талабгорнинг мулки бўлса, шартнома талаб этилмайди);

б) лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган ҳар бир гектар экин майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш материалларини харид қилиш бўйича электрон ҳисоб-фактура нусхаси;

в) лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган ҳар бир гектар экин майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилингани бўйича тўлов топшириқномаси нусхаси.

Талабгор аризадаги маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, ишчи гуруҳ томонидан талабгорнинг аризасини қабул қилиш рад этилади.

### **3-боб. Субсидияни ажратиш**

10. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, туман ишчи гуруҳи ариза тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида:

ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ушбу низомнинг 8-бандида назарда тутилган шартларга мувофиқ талабгор томонидан тақдим этилганини ўрганиб чиқади;

жойига чиққан ҳолда талабгорлар томонидан экин майдонини лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан белгиланган талаблар даражасида текисланганини ва сифатини контурлар кесимида ўрганади;

талабгор томонидан экин майдони лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан талаб даражасида текислангани аниқланганда, туман ишчи гуруҳи хулосасини Агропортал орқали электрон имзо билан тасдиқлайди.

11. Талабгорга субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

талабгорнинг ўз аризасига асосан;

ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

талабгор томонидан сохта ҳужжатлар, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилганда;

талабгор бўлган қишлоқ хўжалиги субъекти тугатилганда;

ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан харид қилинганда.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар билан талабгорга субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

12. Туман ишчи гуруҳи субсидия ажратишни рад этган тақдирда, талабгорларга бир кун муддатда Агропортал орқали рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда бир иш кунида хабарнома юборади.

13. Субсидия ажратиш рад этилган талабгор туман ишчи гуруҳининг хулосасида кўрсатилган рад этиш сабабларини хабарномани олган кундан бошлаб бир ой ичида камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта мурожаат қилиши мумкин.

14. Талабгор туман ишчи гуруҳининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

15. Туман ишчи гуруҳи талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи – ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил қилишга ва ишчи гуруҳ томонидан талабгорларнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризаси жойига чиққан ҳолда муддатида ва тўлиқ ўрганилишига ҳамда расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

субсидия ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилиши ва мувофиқлаштирилишига;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда – Агроинспекция) туман бўлими раҳбари – текисланган майдоннинг ўлчами, контур рақамини аниқлаш, экин майдонини лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текислаш ишларининг контурлар кесимида тўлиқ ва сифатли бажарилгани ҳамда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг сарфланган миқдорига;

туман прокурори ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи – лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текисланган экин майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилиши бўйича умумий назорат амалга оширилишига.

16. Туман ишчи гуруҳи талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиригандан сўнг **бир иш кун**ида хулосани кўриб чиқиш учун Агропортал орқали Агентликка юборади.

17. Агентлик томонидан **бир иш кун**ида ишларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигига (кейинги ўринларда – “Ўзбеккосмос” агентлиги) талабнома юборади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги **уч иш кун**ида талабгорларнинг лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат ёрдамида текисланган ер майдонларини контурлар кесимида текислашдан олдинги ва бажарилган ишлардан кейинги ҳолати тўғрисида фото маълумот ва хулосани Агентликка тақдим этади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги талабномада кўрсатилган ишлар бажарилган тақдирда ижобий, ишлар қисман бажарилган ёки умуман бажарилмаган тақдирда салбий хулоса беради.

Бунда “Ўзбеккосмос” агентлигида тегишли контурлар бўйича космосдан тасвирга олинган айрим маълумотлар мавжуд бўлмаса, тегишли маълумотлар мавжуд эмаслигини ўзининг хулосасида маълум қилади.

Агар “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан **уч иш кун**ида маълумот тақдим этилмаса, туман ишчи гуруҳ хулосаси асосида субсидия ажратилади.

18. Туман ишчи гуруҳи ҳамда “Ўзбеккосмос” агентлигининг хулосаларига асосан Агентлик томонидан уч иш кунида талабгорга субсидия ажратиш ёки ажратмаслик ҳақида Агропортал ёки СМС-хабарнома орқали маълум қилади ҳамда ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, субсидияни талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг пахта,  
бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда  
Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи қишлоқ  
хўжалиги субъектларига лазерли қурилмага эга  
ер текислагич агрегат билан ер текислаш  
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли  
етиштирувчи, Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчиларга лазерли  
қурилмага эга ер текислагич агрегат билан ер текислаш харажатлари  
учун субсидия ажратиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгорлар	Экин майдонини лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан текислаб бўлгандан сўнг туман ишчи гуруҳига субсидия ажратиш бўйича Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади.	Ихтиёрий равишда, экин майдонини текислаб бўлгандан сўнг 5 иш кунда
2-босқич	Туман ишчи гуруҳи	Жойига чиққан ҳолда, талабгорлар томонидан экин майдони лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан талаб даражасида текисланганини, сифатини контурлар кесимида ўрғанади, текисланган ҳар бир гектар экин майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари харажатларини аниқлайди ва хулосани Агропортал орқали Аграр соҳада тўловлар агентлигига (кейинги ўринларда-Агентлик) юборади.	5 иш кунда
3-босқич	Агентлик	Агентлик томонидан ишларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида “Ўзбеккосмос” агентлигига талабнома юборади.	1 иш кунда
4-босқич	“Ўзбеккосмос” агентлиги	Лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат орқали текисланган майдонларнинг олдинги ва кейинги ҳолати тўғрисида фото, маълумотни Агентликка тақдим этади.	3 иш кунда
5-босқич	Агентлик	Тасдиқланган ижобий хулосаларга мувофиқ талабгорнинг тижорат банкидаги ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради.	3 иш кунда

Қорақалпоғистон Республикасининг пахта,  
бошоқли дон ва шоли етиштирувчи ҳамда  
Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи  
қишлоқ хўжалиги субъектларига лазерли  
қурилмага эга ер текислагич агрегат билан  
ер текислаш харажатларининг бир қисмини  
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли  
етиштирувчи ҳамда Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи қишлоқ  
хўжалиги субъектларига лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат  
билан ер текислаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун  
субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, *ишчи гуруҳ раҳбари*.
2. “Ўзагроинспекция”нинг туман бўлими раҳбари.
3. Туман прокурори.
4. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик  
ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**биологик ҳимоя воситалари** – биологик лабораторияларда кўпайтирилиб, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандаларига қарши курашишда қўлланадиган биомаҳсулотлар (трихограмма, олтинкўз, бракон ва бошқалар), қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашишда қўлланадиган микроорганизмлар (бактериялар, замбуруғлар ва вируслар);

**биологик ҳимоя усули** – қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши биологик энтомофаглар, феромон тутқич, биологик ва микробиологик препаратлар билан курашиш усули;

**субсидия** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича биологик ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган юридик шахс мақомига эга қишлоқ хўжалиги корхоналари.

3. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлигининг (кейинги ўринларда – Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлиги) ҳар йили 1 июлга қадар келгуси йил учун субсидия олувчилар рўйхатини шакллантириб, талаб этиладиган субсидиянинг прогноз кўрсаткичларини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан бирга ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан тақдим этилган прогноз кўрсаткичлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантириш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

5. Субсидия қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зарарқунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда биологик ҳимоя усули қўлланган майдонлар учун ҳар бир экин турини ҳисобга олган ҳолда, ҳосил йили якуни бўйича бир маротаба 1 декабрга қадар ажратилади.

6. Субсидия биологик ҳимоя усули қўлланган майдонлар учун биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларнинг 50 фоизи қоплаш учун ажратилади.

Бунда бир гектарга сарфланадиган биологик ҳимоя воситалари меъёри Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карта асосида белгиланади.

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Ўзбекистонда ишлатишга рухсат этилган биологик ҳимоя воситаларидан фойдаланилади, бунда рухсат этилган биологик воситалар рўйхати ва уларнинг сарфланадиган меъёри Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йили 1 февралга (2026 йил учун 1 июнга) қадар эълон қилинади.

8. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схема асосида ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

9. Талабгор субсидия олиш учун ҳосил йилининг 11 октябрдан 25 октябрга қадар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг туман (Қувасой шаҳри) бўлимларига (кейинги ўринларда – Карантин туман бўлимлари) Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади.

Талабгорнинг аризасига қуйидагилар илова қилинади:

биологик ҳимоя усули қўлланган майдонлар (гектарда);

биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағ миқдори (тасдиқланган олди-сотди шартномаси, электрон ҳисобварақ-фактура);

ўз маблағлари ёки тижорат кредитлари ҳисобидан ўтказилган маблағлар тўғрисида тўлов топшириқномаси нусхаси (пахта ва ғалла етиштириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилган имтиёзли ресурслар ҳисобидан харид қилинган биологик маҳсулотлар ҳисобга олинмайди);

биологик ҳимоя усули қўлланган майдонларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибидаги асосий пестицидлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар (хулоса), белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган лаборатория таҳлили натижалари.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Талабгор тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

11. Талабгор ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ ёки белгиланган тартибда расмийлаштирмаган ҳолда тақдим қилганда, Карантин туман бўлимлари томонидан **икки иш кунида** сабаблари кўрсатилиб, Агропортал орқали аризани қабул қилиш рад этилади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

12. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, Карантин туман бўлимлари аризани қабул қилиб олган кундан бошлаб **ўн иш кунида**:

талабгорга тегишли бўлган ер участкасида белгиланган тартибда олинган лаборатория таҳлили натижаларини ўрганади;

талабгор томонидан биологик ҳимоя усули қўлланган майдонлар учун биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларни тегишли далолатнома асосида расмийлаштиради;

ушбу бандда кўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилган тақдирда, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги бўйича электрон тарзда тасдиқланган хулосани Агентликка Агропортал орқали юборади.

13. Ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган талаблар тўлиқ бажарилмаганда, Карантин туман бўлимлари томонидан аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда субсидия ажратиш рад этилади ва талабгорни бир кун муддатда Агропортал орқали хабардор қилинади.

Субсидия ажратиш рад этилганда, талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда **икки ой** давомида қайта мурожаат қилиши мумкин.

Талабгор субсидия ажратилиши рад этилиши юзасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда суд органларига шикоят қилиши мумкин.

14. Агентлик уч иш кунида Карантин туман бўлимлари томонидан Агропортал орқали юборилган ижобий хулосага асосан субсидияни

талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

Агентлик талабгорларнинг банк реквизитларини тижорат банкларидан интеграция орқали олади.

### **3-боб. Яқунловчи қондалар**

15. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Ўзбекистон фермерлари кенгаши билан биргаликда талабгорлар томонидан қўлланадиган биологик ҳимоя усулини мониторинг қилиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

16. Агентлик томонидан ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Агентликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда  
биологик химоя усулини қўллашни рағбатлантириш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик химоя  
усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Субсидия олиш учун Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг туман (Кувасой шаҳри) бўлимларига Агропортал орқали ариза билан муурожаат қилади.	Ҳар ҳосил йилининг 11 октябридан 25 октябрига қадар
2-босқич	Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг туман (Кувасой шаҳри) бўлимлари	Талабгорга тегишли бўлган ер участкасида маҳсулот пишиб етилгандан кейин олинган лаборатория таҳлили натижаларини ўрганеди. Низом талаблари тўлиқ бажарилган тақдирда, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги бўйича электрон тарзда тасдиқланган хулосани Агентликка Агропортал орқали юборади.	10 иш кунида
3-босқич	Агентлик	Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг туман (Кувасой шаҳри) бўлимлари томонидан Агропортал орқали юборилган ижобий хулосага асосан субсидияни талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради	3 иш кунида

**Сув иншоотларини қуриш харажатларининг бир қисмини  
қоплаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом янги яратилаётган интенсив боғ ва узум, доривор ўсимликларнинг маданий плантациялари, озуқабоп экинларни суғориш, қоракўлчилик кластерлари томонидан ижарага олинадиган яйлов ерлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган жойларда чорвачилик хўжалиklarининг чорва молларини суғориш учун шахтали ва тик қудуқлар ҳамда сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга сарфланган харажатлар учун субсидия бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**масъуллар** – туман “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбари ва туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари;

**субсидия** – яратилаётган доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларига, янги интенсив боғ ва узум плантацияларига, озуқабоп экинларни суғоришга ҳамда қоракўлчилик кластерларига яйлов ерларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган жойларда чорвачилик хўжалиklarининг чорва молларини суғоришга сув иншоотларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**сув иншоотлари** – шахтали ва тик қудуқлар ҳамда сув тортиш учун насос станциялари;

**сув кўтариш лентаси** – шахтали қудуқдан сув чиқарувчи ясси тасма;

**сув таъминоти даражаси паст бўлган жойлар** – талабгор томонидан боқиладиган йирик ва майда шохли молларни суғориш учун сув таъминоти доимий бўлмаган мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари;

**талабгор** – янги интенсив боғ ва узум, доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларида сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилган юридик шахс мақомига эга хўжалиklar, озуқабоп экинлар етиштирувчи чорвачилик хўжалиklари ҳамда қоракўлчилик кластерлари;

**тик қудук** – ерости чуқур қатламидаги сув манбадан электр насоси орқали ер устига сув чиқариш учун бурғиланган ёки ерости биринчи қатламидаги сув манбадан сув кўтариш лентаси орқали ер устига сув чиқариш учун қазилган қудук;

**шахтали қудук** – ерости биринчи қатламидаги сув манбадан сув кўтариш лентаси орқали ер устига сув чиқариш учун қазилган қудук;

**қоракўлчилик кластери** – республиканинг яйловларга эга бўлган барча ҳудудларида озуқа базасини яратган ҳолда, майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, шунингдек, мол сўйиш, тери ва жунни қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъекти.

### 3. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси озуқабоп экинларни суғоришга, қоракўлчилик кластерларига яйлов ерларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган жойларда чорвачилик хўжалиklarининг чорва молларини суғориш бўйича;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги янги яратилаётган интенсиф боғ ва узум, доривор ўсимликларнинг маданий плантациялари сув иншоотларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кейинги йил учун прогноз параметрларини аниқлайди ва ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Аграр соҳада тўловлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун сув иншоотларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инobatга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

5. Субсидия ҳисоби Агентликнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

6. Талабгорларга қуйидаги миқдорларда бир марталик субсидия берилади:

яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги янги интенсиф боғ ва узумзор ҳамда доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сув ҳавзаларида насос станциясини қуриш ҳамда сув чиқариш учун бурғиланган қудукнинг ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо битта бурғиланган қудук ёки насос станцияси учун 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда;

янги интенсив мевали боғ ва узумзорларда лойиҳа асосида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун сув кувурларининг ўлчамидан (диаметри) келиб чиқиб, ушбу Низомга 1-иловада келтирилган миқдорларда;

озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун суғориш тик кудуқларини бурғилаш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида бурғиланган суғориш тик кудуқларининг ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда;

яйлов ерларида сув иншоотларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширган қоракўлчилик кластерларига 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган жойларда чорвачилик хўжаликларининг чорва молларини суғориш учун сув иншоотларини янгидан қуриш харажатлари учун, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда.

7. Субсидия ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схема асосида ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

8. Талабгор масъулларга Агропортал орқали субсидия ажратиш бўйича ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

**а) янги интенсив боғ ва узум, доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларини ташкил қилиш ҳамда озуқабоп экинлар етиштириш учун сув иншоотларини қуриш ҳамда дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш бўйича:**

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сув иншоотларини қуриш бўйича лойиҳа ва лойиҳа-смета ҳужжатлари;

сув иншоотларини қуриш бўйича пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома ва электрон ҳисоб-фактура нусхаси;

дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш бўйича тузилган шартнома ва электрон ҳисоб-фактура нусхаси (агар сув тортиш бўйича ишларни ўз кучи ва имкониятлари орқали амалга оширган бўлса, кувурларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади);

ерости сувларига кудуқларни бурғилаш лойиҳасига гидрогеологик хулоса;

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун суғориш тик қудуқларини куриш (бурғилаш) бўйича яқунланган ишларни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасининг нусхаси;

янги интенсив боғ ва узум, доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларини ташкил қилиш ҳамда озуқабоп экинлар етиштириладиган жойнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқнинг ҳолати ва унумдорлиги тўғрисида маълумот;

**б) яйлов ерларида сув иншоотларини янгидан куриш ва реконструкция қилиш бўйича:**

яйлов ерларида сув иншоотларини янгидан куриш ва реконструкция қилиш бўйича бажарувчи ташкилот билан тузилган шартнома;

ресурс тежамкор ускуналар, сув кўтариш лентаси ёки бошқа ускуналар сотиб олингани тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари;

ерости сувларига қудуқларни бурғилаш лойиҳасига гидрогеологик хулоса;

яйлов ерларида сув иншоотларини янгидан куриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилгани тўғрисида лойиҳалаштириш ташкилотининг хулосаси (экспертиза хулосаси) нусхаси;

кооперация орқали яйлов ерларидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган яйлов ижара шартнома нусхаси;

**в) Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган жойларда чорвачилик хўжаликларининг чорва молларини суғориш бўйича:**

сув иншоотларини янгидан куриш бўйича бажарувчи ташкилот билан тузилган шартнома;

сув иншоотларини янгидан куриш ишлари амалга оширилгани тўғрисида лойиҳалаштириш ташкилотининг хулосаси (экспертиза хулосаси) нусхаси;

ерости сувларига қудуқларни бурғилаш лойиҳасига гидрогеологик хулоса;

ерости сувларига қудуқ бурғилаш фаолиятига олинган рухсатнома;

бурғиланган қудуқнинг ҳудудий гидрогеология станцияларида рўйхатга кўйилган техник паспорти;

сув иншоотлари янгидан куриладиган майдонда чорва молларини суғориш учун доимий сув билан таъминлаш имконияти мавжуд эмаслиги тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хулосаси.

Талабгор аризадаги маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, масъуллар томонидан талабгорнинг аризасини қабул қилиш рад этилади.

10. Талабгор аризаси бўйича субсидия ажратилиши рад этилишига сабаб бўлган камчиликларни тўлиқ бартараф қилгандан сўнг субсидия ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

11. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, масъуллар ариза тушган кундан эътиборан беш иш кунинда:

а) тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқлигини, боғ ва тоқзорлар интенсив усулда ташкил қилинганлигини;

б) янги ташкил қилинган доривор ўсимликларнинг маданий плантациялари, интенсив боғ ва узум плантацияларида сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганлигини;

в) талабгор ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида бурғиланган кудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини куриш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини;

г) қорақўлчилик кластери Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасига тегишли бўлган яйлов ер майдонларида сув иншоотлари қазилганлигини;

д) сув таъминоти даражаси паст бўлган жойларда чорвачилик хўжаликларининг чорва молларини суғориш учун сув иншооти қурилганлигини ўрганади.

Бажарилган ишлар ушбу Низом талабларига мос келган тақдирда, масъуллар субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса расмийлаштиради ва электрон имзо билан тасдиқланган ҳолда Агропортал орқали Агентликка юборади.

12. Ўрганиш натижаларига кўра бажарилган ишлар ушбу Низом талабларига жавоб бермаганда, масъуллар бир иш кунинда аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш рад этилгани тўғрисида Агропортал орқали талабгорга маълум қилади.

Бунда масъуллар субсидия ажратишни рад этишга сабаб бўлган барча камчилик ва ҳолатларни дастлабки хулосада кўрсатиши шарт.

Талабгор субсидия ажратилиши рад этилишига сабаб бўлган камчиликларни тўлиқ бартараф қилгандан сўнг субсидия ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

Талабгор субсидия ажратилиши рад этилиши юзасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда суд органларига шикоят қилиши мумкин.

13. Масъуллар томонидан талабгорнинг аризаси беш иш кунда кўриб чиқилмаганда ёки тегишли хулоса расмийлаштирилмаганда, масъулларнинг хулосаси ижобий деб қабул қилинади ва субсидияни ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан жавобгарлик масъуллар зиммасига юклатилади.

Бунда ушбу ариза Агропортал орқали автоматик равишда тўғридан-тўғри Агентликка юборилади.

14. Масъуллар талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан жавобгар ҳисобланади:

“Сув етказиб бериш” ДМ раҳбари – бурғиланган тик қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилгани ҳамда жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг мавжудлигига;

туман электр тармоқлари раҳбари – бурғиланган тик қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциялари электр энергияси билан таъминланганига.

15. Агентлик **бир иш кунда** масъуллар хулосасига асосан бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун мустақил экспертга талабнома юборади.

16. Мустақил эксперт **уч иш кунда** талабгор томонидан бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисидаги хулосани ҳамда бажарилган ишларни талабгорнинг жойлашган манзили бўйича (локацияси) фото маълумотларни Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.

Бунда мустақил эксперт жойига чиқиб ўрганишда:

а) тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқлигини, боғ ва токзорлар интенсив усулда ташкил қилинганини;

б) янги ташкил қилинган доривор ўсимликларнинг маданий плантациялари, интенсив боғ ва узум плантацияларида сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганини;

в) талабгор ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини;

г) қорақўлчилик кластери Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига тегишли бўлган яйлов ерларида сув иншоотлари қазилганини;

д) сув таъминоти даражаси паст бўлган жойларда чорвачилик хўжалиklarининг чорва молларини суғориш учун сув иншооти қурилганини ўрганади.

17. Агентлик уч иш кунда масъуллар ва мустақил экспертнинг ижобий хулосасига асосан талабгорнинг тижорат банкидаги махсус ундирувга йўл қўйилмайдиган ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради ёки мустақил экспертнинг салбий хулосасига асосан субсидия ажратишни рад этади ва талабгори Агропортал ёки СМС-хабарнома орқали хабардор қилади.

### **5-боб. Яқунловчи қондалар**

18. Субсидия ажратишда юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара ўтказиш орқали ҳал этилади.

Бунда тарафлар ўртасидаги келишмовчиликлар музокара ўтказиш орқали ҳал этилмаган тақдирда, суд тартибида ҳал этилади.

19. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Сув иншоотларини куриш  
харажатларининг бир қисмини  
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Янги интенсив мевали боғ ва узумзорларда лойиҳа асосида  
сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун дарёлар,  
каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун сув  
қувурларининг ўлчамидан (диаметр) келиб чиқиб харажатларнинг  
бир қисмини қоплаш миқдорлари**

<b>Т/р</b>	<b>Қувурнинг диаметри</b>	<b>Қувурнинг ҳар бир метри учун субсидия миқдори</b>
<b>Полиэтилен қувурларга</b>		
1	110 мм ≤	40 000 сўм
2	125-160 мм ≤	80 000 сўм
3	180-200 мм ≤	160 000 сўм
4	225-250 мм ≤	200 000 сўм
5	315 ≤	250 000 сўм
<b>Темир қувурларга</b>		
6	102 мм ≤	40 000 сўм
7	114-133 мм ≤	60 000 сўм
8	159 мм ≤	80 000 сўм
9	219 мм ≤	100 000 сўм
10	273 мм ≤	130 000 сўм
11	273 мм ≤	160 000 сўм
12	325 мм ≤	190 000 сўм
13	377 мм ≤	250 000 сўм

Сув иншоотларини куриш  
харажатларининг бир қисмини қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Сув иншоотларини куриш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	Субсидия олиш учун Низом талаблари асосида барча зарур ҳужжатларни ариза билан бирга масъулларга Агропортал орқали юборади.	Йил давомида
2-босқич	Масъуллар	Агропортал орқали тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни, тик кудуқлар ва сув тортиш учун насос станцияларини жойига чиққан ҳолда ҳақиқатда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилгани ва ўрнатилганини ўрганади. Ўрганиш натижаси юзасидан ҳулосани электрон тасдиқланган ҳолда Агропортал орқали Агентликка юборади.	5 иш кунида
3-босқич	Агентлик	Ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун мустақил экспертга талабнома юборади.	1 иш кунида
4-босқич	Мустақил эксперт	Субсидия олувчи субъектлар томонидан ишларни қонунчиликка мувофиқ бажарилганини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисида ҳулосани ҳамда бажарилган ишларни талабгорнинг жойлашган манзили бўйича (локацияси) бўйича фото маълумотларни Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.	3 иш кунида
5-босқич	Агентлик	Масъуллар ва мустақил эксперт ҳулосасига асосан субсидияни талабгорнинг махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш кунида

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашда  
суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини  
қоплаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) томонидан суғурталашда суғурта мукофотларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом бевосита Жамғарма билан суғурта шартномаси имзолаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи юридик шахс мақомига эга бўлган субъектларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**субсидия** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашда суғурта шартномасида белгиланган суғурта мукофотлари харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – юридик шахс мақомига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар;

**қишлоқ хўжалиги маҳсулоти** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштириладиган чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотлари.

3. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Жамғарма билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар кейинги йил учун суғурталанадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

5. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схема бўйича ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

6. Жамғарма ҳар ойнинг якуни билан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Агентликка қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашда суғурта шартномасида белгиланган суғурта мукофотлари харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун буюртманомани Агропортал орқали юборади.

7. Буюртманомага қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

суғурта шартномаси санаси ва рақами;

суғурта полиси рақами;

суғурта шартномасида қайд этилган суғурта мукофотининг 50 фоиз қисми тўланганини тасдиқловчи ҳисоб-фактура санаси ва рақами.

Жамғарма буюртманомадаги маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

8. Агентлик келиб тушган буюртманомага асосан субсидияни беш иш кунида Жамғарманинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

9. Агентлик томонидан тўлаб берилган субсидия Жамғарма томонидан тақдим этилган буюртманомада кўрсатилган суғурта шартномаларидаги суғурта мукофотларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб бериладиган 50 фоиз қисми сифатида ушбу суғурта шартномаларини имзолаган талабгор ҳисобидан кирим қилинади.

## **3-боб. Якунловчи қондалар**

10. Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, Агентлик томонидан ажратилган субсидия Жамғарманинг ҳисобварағида қолади ва янги суғурта шартномаларини тузиш учун сарфланади ҳамда кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар солиштирма далолатномалар тузилади.

11. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

12. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини  
суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов  
харажатларининг бир қисмини қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашда суғурта мукофоти  
учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддати</b>
1-босқич	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси	Аграр соҳада тўловлар агентлигига тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда буюртманома юборади.	Ҳар ойнинг якуни билан кейинги ойнинг 5-санасига қадар
2-босқич	Аграр соҳада тўловлар агентлиги	Келиб тушган буюртманомага асосан субсидияни Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасининг Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.	5 иш кунида

**Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга  
киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш  
ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларнинг  
бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, сув таъминоти оғир бўлган худудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, насос агрегатини ўрнатиш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари 2024 йилдан бошлаб янгидан ўзлаштирилган ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритилган ер майдонларида ирригация-мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилиш ҳамда қуриш ишларини ўз маблағи ва/ёки тижорат кредити ҳисобидан амалга оширган талабгорларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш** – ирригация ва мелиорация объектларини тўлиқ ёки қисман қайта қуриш ва қуриш, шунингдек, объект реконструкция қилингандан кейин унинг дастлабки лойиҳа параметрлари ва иншоотлар таркиби янги лойиҳага мувофиқ қисман ёки тўлиқ ўзгариши;

**ирригация объектлари** – сув ресурсларини бошқариш, тўплаш ва уларни сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига етказиш, суғориладиган ерларни сув билан таъминлашга кўмаклашадиган, гидроузеллар, сув оқимини йўналтириш, дарёлар ва каналлар ўзанларини ҳимоя қилиш, сув омборлари, сел-сув омборлари, ирригация тизими каналлари ва суғориш тармоқлари иншоотлари билан, насос станциялари, суғориш вертикал қудуқлари, сув олиш, сув ташлаш, сув чиқариш ва бошқа иншоотларни ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари;

**масъуллар** – ҳар бир туман (Кувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбари, Давлат кадастрлари палатасининг туман (Кувасой шаҳар) филиали раҳбари;

**мелиорация объектлари** – коллектор-дренаж ерусти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж кудукларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари;

**мустақил эксперт** – талабгор томонидан ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганувчи ҳамда субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан хулоса берувчи, тегишли ҳуқуқларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

**субсидия** – қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда насос агрегатини ўрнатиш ва ишга тушириш, шунингдек, вертикал суғориш кудугини бурғилаш (кейинги ўринларда – ерни ўзлаштириш тадбирлари) билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритувчи ва шу мақсадда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция ишларини ўз маблағи ва/ёки тижорат кредити ҳисобидан амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс мақомига эга субъектлар;

**курувчи-пудрат ташкилоти** – ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган, марказий бошқарув офиси мавжуд бўлган, қурилиш материаллари, ускуналар ва эҳтиёт қисмлар захирасини шакллантирган юридик шахс.

4. Ерни ўзлаштириш тадбирлари билан боғлиқ харажатлар лойиҳа смета ҳужжатларида назарда тутилади.

Бунда лойиҳа ташаббускорларининг ерни ўзлаштириш тадбирлари билан боғлиқ харажатларининг қолган қисми уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Субсидия ҳисоби Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

6. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар келгуси йилда субсидия ажратиш мақсадида ҳудудлар кесимида ерни ўзлаштириш тадбирларининг прогноз кўрсаткичларини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар календарь йилининг 1 августига қадар Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган прогноз кўрсаткичларни ўрганиб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

7. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

8. Субсидия талабгор томонидан фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда:

қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда насос агрегатини ўрнатиш ва ишга тушириш харажатларининг ҳар бир гектар ер учун 50 фоизи, бироқ ушбу маблағ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган қисмига;

вертикал суғориш қудуғини бурғилаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи қоплаб берилади, бироқ 120 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган қисмига ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

9. Талабгор ерни ўзлаштириш тадбирлари яқунлангандан сўнг **бир ой** муддатда сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплашга субсидия олиш учун Агропортал орқали масъулларга ариза билан мурожаат қилади:

10. Талабгор аризага қуйидагиларни илова қилади:

амалга оширилган қуриш ва реконструкция ишлари харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси (ҳисоб-фактура ва бошқалар);

қуриш ва реконструкция ишларини ҳамда вертикал суғориш қудуғини бурғилаш бўйича қурувчи-пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси;

лойиҳа ҳужжати ва қурилиш ишлари яқунлангани тўғрисидаги далолатнома нусхаси;

иш бажарилган контурларнинг маълумотлари (худуди ва локацияси аниқ кўрсатилади).

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига талабгор жавобгар ҳисобланади.

11. Ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, масъуллар томонидан талабгорнинг аризасини қабул қилиш рад этилади.

Талабгор аризани рад этилишига сабаб бўлган камчиликларни тўлиқ бартараф қилгандан сўнг субсидия ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

12. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, масъуллар ариза тушган кундан эътиборан **беш иш кунида:**

амалга оширилган қуриш ва реконструкция ишлари лойиҳа ҳужжатларига мос ҳолда бажарилганини;

фойдаланишдан чиққан майдонлар қишлоқ хўжалиги экинларини экишга тайёр ҳолга келтирилганини ва экилганини;

бажарилган ишлар ушбу Низомнинг 10-бандида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини ўрганади.

Бажарилган ишлар ушбу Низом талабларига мос келган тақдирда, масъуллар субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса расмийлаштиради ва электрон имзо билан тасдиқланган ҳолда, Агропортал орқали Агентликка юборади.

13. Ўрганиш натижаларига кўра бажарилган ишлар ушбу Низом талабларига жавоб бермаганда масъуллар **бир иш кунида** аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш рад этилгани тўғрисида Агропортал орқали талабгорга маълум қилади.

Бунда масъуллар субсидия ажратишни рад этишга сабаб бўлган барча камчилик ва ҳолатларни дастлабки хулосада кўрсатиши шарт.

Талабгор субсидия ажратилиши рад этилишига сабаб бўлган камчиликларни тўлиқ бартараф қилгандан сўнг субсидия ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

Талабгор субсидия ажратилиши рад этилиши юзасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда суд органларига шикоят қилиши мумкин.

14. Агентлик масъуллар томонидан тақдим этилган хулоса бўйича бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун **бир иш кунида** мустақил экспертга талабнома юборади.

15. Мустақил эксперт **беш иш кунида** талабгор томонидан бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисида хулосани ҳамда бажарилган ишларни талабгорнинг жойлашган манзили бўйича (локацияси) фото маълумотларни Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.

Бунда мустақил эксперт жойига чиқиб ўрганишда:

амалга оширилган қуриш ва реконструкция ишлари лойиҳа ҳужжатларига мос ҳолда бажарилганлигини;

фойдаланишдан чиққан майдонлар қишлоқ хўжалиги экинларини экишга тайёр ҳолга келтирилганини ва экилганини;

бажарилган ишлар ушбу Низомнинг 10-бандида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини ўрганади.

16. Агентлик бир иш кунинда масъуллар ва мустақил эксперт ижобий хулосаларига мувофиқ Агропортал орқали ҳисоб-китоб қилинган субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради ёки мустақил экспертнинг салбий хулосасига асосан субсидия ажратишни рад этади ва талабгорни Агропортал ёки СМС-хабарнома орқали хабардор қилади.

### **3-боб. Фойдаланишга киритилган ер майдонларида назорат ўтказиш**

17. Субсидия олган талабгорлар фойдаланишга киритилган ер майдонларидан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари шарт.

18. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Ўзагроинспекция) экин майдонларидан самарали фойдаланилиш ҳолатини ҳар йили бир марта мониторинг қилади ва экин экилиши юзасидан (яхши ёки ёмон) уч нусхада далолатнома расмийлаштиради ҳамда далолатноманинг бир нусхаси Агентликка, бир нусхаси талабгорга юборилиб, бир нусхаси ўзида қолдирилади.

19. Мониторинг давомида камчиликлар аниқланганда, Агентлик субсидияни қайтариш бўйича огоҳлантириш хатини талабгорга тақдим қилади ва белгиланган тартибда ундириш чораларини кўради. Бунда:

ўтказилган мониторинг натижасига кўра ер майдонларидан самарали фойдаланилмаганда, субсидия қуйидаги тартибда қайтарилади:

иккинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 80 фоизи;

учинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 60 фоизи;

тўртинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 40 фоизи;

бешинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 20 фоизи.

20. Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан материаллар субсидияни қайтариш бўйича судга даъво аризаси киритилади.

21. Талабгор томонидан қайтариладиган ёки суд тартибида ундириладиган маблағлар Агентликнинг тегишли шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилади ҳамда қайтарилган субсидиялар кейинчалик ушбу йўналишдаги субсидияларни қайта молиялаштиришга сарфланади.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

22. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун давлат томонидан субсидия бериладиган ер майдонларида қуриш ва реконструкция ишлари юзасидан назорат белгиланган ваколатлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига юкланади.

23. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни  
 фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация  
 объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан  
 боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш  
 тартиби тўғрисидаги низомга  
 илова

**Талабгорларнинг ер ўзлаштириш тадбирлари билан боғлиқ  
 харажатларини давлат бюджетидан қоплаш  
 СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Бажариш мuddати</b>
1-босқич	Талабгор	Ер ўзлаштириш тадбирларини яқунлаб, сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун масъулларга Агропортал орқали ариза билан мурожаат қилади.	Ер ўзлаштириш тадбирлари яқунлангандан сўнг бир ой мuddатда
2-босқич	Масъуллар	Талабгор томонидан бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва Агропортал орқали Агентликка хулоса тақдим қилади.	5 иш кунда
3-босқич	Агентлик	Масъуллар томонидан тақдим этилган хулоса бўйича бажарилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун мустақил экспертга талабнома юборади.	1 иш кунда
4-босқич	Мустақил эксперт	Бажарилган ишлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар акс эттирилган хулосани Агропортал орқали Агентликка тақдим этади.	5 иш кунда
5-босқич	Агентлик	Масъуллар ва мустақил эксперт ижобий хулосасига мувофик Агропортал орқали ҳисоб-китоб қилинган субсидияни талабгорнинг тижорат банкдаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.	1 иш кунда

**Паррандачилик хўжаликларига фақат маҳаллий ишлаб  
чиқарувчилардан гўшт йўналишида наслдор бир кунлик жўжалар  
хариди учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом фақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан гўшт йўналишида наслдор бир кунлик жўжалар хариди учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**бир кунлик наслдор жўжа** – паррандачилик хўжаликлари томонидан гўшт йўналишидаги паррандаларнинг ота-она галасини шакллантириш учун харид қилинган, келиб чиқиши хужжатлар билан тасдиқланган бир кунлик наслдор жўжа;

**субсидия** – маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан гўшт йўналишида наслдор бир кунлик жўжалар харидини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

**талабгор** – маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан гўшт йўналишидаги паррандаларнинг насли ота-она галасини ташкил этиш мақсадида наслдор бир кунлик жўжаларни сотиб олиш орқали республика ҳудудида парваришлайдиган юридик шахс мақомига эга бўлган паррандачилик хўжаликлари.

3. Талабгорлар томонидан наслдор бир кунлик жўжалар сотиб олинганда ҳар бир бош жўжа учун 15 минг сўм субсидия ажратилади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳар йили 1 июлга қадар келгуси йил учун субсидия олувчилар рўйхатини шакллантириб, талаб этиладиган субсидиянинг прогноз кўрсаткичларини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан бирга ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан тақдим этилган прогноз кўрсаткичлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантириш учун ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия учун зарур маблағларни назарда тутди.

5. Субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схема асосида ажратилади.

## **2-боб. Субсидияни ажратиш**

6. Талабгор бир кунлик наслдор жўжаларни сотиб олгандан сўнг Агропортал орқали субсидия олиш учун туман (шаҳар) ветеринария бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

бир кунлик наслдор жўжаларнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

туман (шаҳар) ветеринария бўлими томонидан берилган бир кунлик наслдор жўжалар бош сони, зоти номи (кросс) ва уларнинг соғломлиги тўғрисидаги маълумотнома;

бир кунлик наслдор жўжалар харид қилингани бўйича тузилган электрон ҳисоб-фактура нусхаси;

бир кунлик наслдор жўжалар харид қилингани бўйича тўлов топшириқномаси нусхаси.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Талабгор тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

8. Талабгор ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ ёки белгиланган тартибда расмийлаштирмаган ҳолда тақдим қилганда, туман (шаҳар) ветеринария бўлими томонидан икки иш кунинда сабаблари кўрсатилиб, Агропортал орқали аризани қабул қилиш рад этилади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

9. Талабгор томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, туман (шаҳар) ветеринария бўлими ариза тушган кундан эътиборан уч иш кунинда:

маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган бир кунлик наслдор жўжалар бош сони, зоти номи (кросс) ва уларнинг соғломлигини ўрганади;

ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилган тақдирда, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги бўйича электрон тарзда тасдиқланган хулосани Агентликка Агропортал орқали юборади.

10. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган талаблар тўлиқ бажарилмаганда, туман (шаҳар) ветеринария бўлими томонидан аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда субсидия ажратиш рад этилади ва талабгорни бир кун муддатда Агропортал орқали хабардор қилинади.

Субсидия ажратиш рад этилган талабгор рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда икки ой давомида қайта мурожаат қилиши мумкин.

11. Агентлик уч иш кунда туман (шаҳар) ветеринария бўлими томонидан Агропортал орқали юборилган ижобий хулосага асосан субсидияни талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

Агентлик талабгорларнинг банк реквизитларини тижорат банкларидан интеграция орқали олади.

### **3-боб. Ажратилган субсидияни мониторинг қилиш**

12. Талабгорларнинг субсидия олиш учун белгиланган талабларни бажаргани ва ундан мақсадли фойдаланиши бўйича доимий мониторинг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Мониторинг жараёнида субсидия ҳисобидан гўшт йўналишида бир кунлик наслдор жўжалар харид қилинмагани, талабгор субсидия олган кундан бошлаб ундан мақсадсиз фойдаланаётгани аниқланганда, талабгор иштирокида далолатнома тузилади ва далолатнома Агропортал орқали Агентликка юборилади.

Агентлик Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан юборилган далолатномага асосан талабгорга субсидияни **бир ой давомида** тўлиқ Агентликнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариш бўйича огоҳлантириш хатини юборади.

Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, Агентлик томонидан субсидияни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумот юборилади ёки судга даъво аризаси киритилади.

### **5-боб. Яқунловчи қондалар**

13. Субсидия ажратиш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади.

14. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиялар тўғри тайинланиши ва ажратилишини назорат қилади.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Паррандачилик хўжаликларига фақат маҳаллий  
ишлаб чиқарувчилардан гўшт йўналишида наслдор  
бир кунлик жўжалар хариди учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Паррандачилик хўжаликларига фақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан  
гўшт йўналишида наслдор бир кунлик жўжалар хариди учун  
субсидия ажратиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати
1-босқич	Талабгор	Бир кунлик наслдор жўжаларни сотиб олгандан сўнг Агропортал орқали субсидия олиш учун туман (шаҳар) ветеринария бўлимига ариза билан мурожаат қилади.	Бир кунлик наслдор жўжалар сотиб олинганда
2-босқич	Туман (шаҳар) ветеринария бўлими	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган бир кунлик наслдор жўжалар бош сони, зоти номи (кросс) ва уларнинг соғломлигини ўрганади. Ушбу Низом талаблари тўлиқ бажарилган тақдирда, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги бўйича электрон тарзда тасдиқланган хулосани Агентликка Агропортал орқали юборади.	3 иш кунида
3-босқич	Агентлик	Туман (шаҳар) ветеринария бўлими томонидан Агропортал орқали юборилган ижобий хулосага асосан субсидияни талабгорнинг тижорат банкидаги ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш кунида

**Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш  
чоралари юзасидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши  
учун қишлоқ хўжалиги субъектларига қонунчилик ҳужжатларига  
мувофиқ очиладиган ундирувга йўл қўйилмайдиган  
маҳсуе мақсадли ҳисобварақлар**

Т/р	Қўллаб-қувватлаш чоралари номи	Ундирувга йўл қўйилмайдиган маҳсуе мақсадли ҳисобварақ
1.	Қишлоқ хўжалиги субъектларига сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...810
2.	Қишлоқ хўжалиги субъектларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...815
3.	Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар ҳамда мол ва қўй гўшти учун субсидия	23210...820
4.	Қишлоқ хўжалиги техникалари ва лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...825
5.	Пахта, бошоқли дон ва картошка экин майдонларини ҳамда мевали боғ ва узумзорларни суғориш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...830
6.	Мева, узум ва лимон кўчатларини харид қилиш ҳамда кўчатларни шпалерга кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...835
7.	Иссиқхона хўжаликларига иссиқхоналарни кўмир ва электр энергиясида иситиш қозонларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...840
8.	Қишлоқ хўжалиги техникаси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, қуёш панеллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига автопилот ускунасини харид қилишда кредит ва лизинг фоизларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...845
9.	Озиқ-овқат саноати корхоналарида халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ҳамда лабораторияларга зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига узумни (майиз) қуриштириш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...850

Т/р	Қўллаб-қувватлаш чоралари номи	Ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақ
10.	Қорақалпоғистон Республикаси совиткичли сизимлар уюшмасига аъзо субъектларга совиткичли сизимларни қуриш ва/ёки жиҳозлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида совиткичли сизимларнинг электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...855
11.	Иссиқхона хўжаликларида хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассислари ҳамда маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...860
12.	Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи, Хоразм вилоятидаги шоли етиштирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларига лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегат билан ер текислаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...865
13.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя воситаларини харид қилишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...870
14.	Сув иншоотларини қуриш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...875
15.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...880
16.	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия	23210...885
17.	Паррандачилик хўжаликларида фақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан гўшт йўналишида наслдор бир кунлик жўжалар хариди учун субсидия	23210...890

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
кiritилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги 258-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларини бириктириш меъёрларининг изоҳ қисми тўққизинчи хатбошиси “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси,” сўзларидан кейин “Аграр соҳада тўловлар агентлиги,” сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 декабрдаги 771-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги субъектларига 2025 йил ҳосилидан биржа савдолари орқали сотилган пахта хомашёси учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 4-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Пахта хомашёси етиштирувчи субсидия олиш учун ўзи етиштириб сотган маҳсулотни битта ёки бир неча шартнома асосида сотишини инобатга олиб, бир неча мартаба мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари ҳақида” 2025 йил 6 декабрдаги 772-сон қарорида:

а) иккинчи банд қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси дирекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) 1-иловада:

27-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

33-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Дирекцияга 3 та хизмат енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилади”;

33-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Дирекция директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасида тиббий хизматдан фойдаланишга ва тизимдаги контингентга қўшилишга рухсат этилади”.

в) куйидаги мазмундаги 7-илова билан тўлдирилсин.

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2026 йил 6 декабрдаги 772-сон қарорига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги  
Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси дирекцияси ходимлари  
меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш ҳамда  
ижтимоий муҳофаза қилиш тартиби тўғрисида**

## **НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси дирекцияси (кейинги ўринларда – Жамғарма дирекцияси) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари 2026 йил 1 январдан бошлаб амалиётга жорий қилинади ҳамда Жамғарма дирекциясининг раҳбар, мутахассис, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига нисбатан татбиқ этилади.

### **2-боб. Жамғарма дирекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш**

3. Жамғарма дирекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Жамғарма дирекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устамалар, моддий ёрдам кўрсатиш, лавозим маошига белгиланган коэффицентлар, шунингдек, кўшимча ҳақ, устамалар, мукофотлар, ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа тўловлардан иборат.

5. Жамғарма дирекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари Ягона тариф сеткаси бўйича ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланади.

6. Жамғарма ҳисобидан Жамғарма дирекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш куйидагича амалга оширилади:

Ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига мувофиқ лавозим маоши;

тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициентларини 1,6 бараварга ошириш миқдори (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бундан мустасно);

лавозим маошининг 40 фоизи миқдорида устама (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти);

ўз вазифаларини виждонан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган ходимларни лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) икки баравари миқдорида мукофотлаш;

кўп йиллик хизмати учун лавозим маошига 30 фоиздан 100 фоизгача миқдорда устама (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) тўланади. Иш стажи рағбатлантириладиган кўп йиллик хизмати учун устамалар белгилаш ҳуқуқини беради. Бунда:

- 1 йилдан 5 йилгача – 30 фоиз;
- 5 йилдан 10 йилгача – 40 фоиз;
- 10 йилдан 15 йилгача – 60 фоиз;
- 15 йилдан 20 йилгача – 80 фоиз;
- 20 йилдан ортиқ – 100 фоиз.

Жамғарма дирекцияси ходимларига ўз хизмат вазифаларини виждонан бажарганликлари учун Жамғарма директори томонидан лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 300 фоизгача миқдорда ҳар ойлик устамалар;

алоҳида ўрнатилган кўрсатилган Жамғарма дирекцияси ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) қўшимча 100 фоизгача миқдорда ойлик устамалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармонида асосан замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ҳамда ривожлантиришга масъул бўлган Жамғарма дирекцияси ходимларига лавозим маошининг 100 фоизи миқдорида устама тўланиши мумкин;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига асосан Жамғарма дирекцияси юридик хизмати ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун қўшиладиган ҳар ойлик устамалар тўланиши мумкин;

расман байрам деб эълон қилинган кунлар (1 январь – Янги йил, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни, 21 март – Наврўз байрами, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, 1 сентябрь – Мустақиллик куни, 8 декабрь –

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, диний байрамлар – Рўза ҳайити (Ийд-ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд-ал-Адҳа)) ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимларининг касб байрамлари муносабати билан лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) бир баравари миқдорида мукофотлар;

йил яқунлари бўйича Жамғарма фаолияти кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ходимларни лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 200 фоизигача мукофотлаш;

ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) транспорт харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари ҳамда овқатланиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача миқдордаги тўловлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун ходимларга бир йилда бир маротаба базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача миқдордаги тўловлар;

йилда бир маротаба лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) бир баравари миқдорда моддий ёрдам.

Заруратга кўра ходимлар ва (ёки) уларнинг оила аъзоларига қуйидаги ҳолларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдордаги моддий ёрдам тўлаб берилади:

ходим вафот этганда – бунда моддий ёрдам хотинига (эрига) тўлаб берилади, агар ходимнинг хотини (эри) бўлмаса, моддий ёрдам фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлари ва ҳомийларига) ёхуд уларнинг вояга етмаган фарзандларини асраб олган шахсларга тўлаб берилади, шунингдек, ходим турмуш қурмаган бўлса, моддий ёрдам ота-онаси ёки боқимандалар ўртасида тенг улушларда тақсимланади;

яқин қариндоши (ота, она, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда (вафоти тўғрисида гувоҳнома нусхаси тақдим этилганда);

турмуш қурганда, 50, 55, 60 юбилей ёши муносабати билан, шунингдек, пенсияга чиққанда;

алоҳида заруратга кўра (бахтсиз ходиса, фалокат, узоқ муддатли касаллик сабабли даволаниш ва соғлиғини тиклаш, оиланинг кам таъминлангани ва молиявий ҳолатининг оғирлиги учун).

7. Жамғарма дирекцияси ходимларининг йиллик меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 5 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш махсус фонди ташкил этилади.

Ушбу фонд маблағлари ҳисобидан хизмат вазифаларини ташаббускорлик билан ҳамда виждонан бажарган юқори малакали ходимларни рағбатлантириш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда ишда эришган ютуқлари учун

лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 50 фоизидан ошмаган миқдорларда шахсий устамалар белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган Жамғарманинг жалб этилган ходимлари, экспертлари ва маслаҳатчилари хизматларига тузилган шартнома шартларига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

### **3-боб. Яқунловчи қоида**

9. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
хузуридаги Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси  
дирекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни  
моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги  
Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси дирекцияси ходимлари  
меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари**

Т/р	Лавозими	Меҳнатга ҳақ тўлаш разряди
1.	Директор	18
2.	Директорнинг биринчи ўринбосари	18-5%
3.	Директор ўринбосари	17
4.	Бошқарма бошлиғи	14
5.	Бош ҳисобчи	14-3%
6.	Бош юрисконсулт	14
7.	Бош аудитор	13
8.	Бўлим бошлиғи	13
9.	Бош мутахассис (мустақил бўлинма)	13-3%
10.	Бош мутахассис	12
11.	Етакчи мутахассис	11

*Изоҳ. Жамғарма дирекциясида 2 нафар раҳбар котиби, 1 нафар фаррош ҳамда балансда мавжуд автотранспорт воситаларига мутаносиб равишда ҳайдовчи лавозимлари сақлашга йўл қўйилади”.*

**4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2026 йил 27 февралдаги 81-сон қарорида:**

а) қуйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“2<sup>1</sup>. Белгилансинки, Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ тўловлар 2026 йилнинг январь ойдан бошлаб амалга оширилади”;

б) 1-илованинг 21-бандида:

“а” кичик банднинг еттинчи хатбошиси “лавозим маошига” сўзларидан кейин “(рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда)” сўзлари билан тўлдирилсин;

“б” кичик банднинг бешинчи хатбошиси “1 сентябрь – Мустақиллик куни” сўзларидан кейин “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни,” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 3-илованинг 5-банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳалари бўйича мустақил экспертларни, шу жумладан, маҳаллий ва хорижий экспертларни ҳамда бошқа юридик шахслар (олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар)ни шартнома асосида жалб қилиш”.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари  
РЎЙҲАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 12 июлдаги 578-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорининг 1-банди ва 1-иловаси.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 январдаги 24-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2022 йил 21 январдаги 37-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги 315-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 6 июлдаги 368-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 10 июлдаги 327-сон қарорининг 1-банди “а” кичик банди, саккизинчи ва ўнинчи хатбошилар, 2-банди, 1, 2 ва 3-иловалар.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 августдаги 460-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси совиткичли сиғимлар уюшмасига аъзо субъектларга совиткичли сиғимларни қуриш ва жиҳозлаш ҳамда қиш ва баҳор ойларида электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 29 ноябрдаги 632-сон қарори.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик хўжаликларига хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 26 январдаги 52-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 20 февралдаги 97-сон қарори.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикасининг пахта, бошоқли дон ва шоли етиштирувчи субъектларига лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлар билан ер текислаш харажатлари учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 24 июндаги 348-сон қарори.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 2 июлдаги 373-сон қарорининг 1-банди ва қарорга илова.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Иссиқхона хўжаликларига иссиқхоналарни кўмир ёқилғисида иситиш учун кўмир қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 9 июлдаги 400-сон қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 10 июлдаги 410-сон қарори.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш тўғрисида” 2024 йил 1 августдаги 476-сон қарорининг 1-банди, 2-банди учинчи хатбошиси ва қарорга 2-илова.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг “Шоли етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 17 февралдаги 97-сон қарори.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг “In-vitro” шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 28 июлдаги 468-сон қарори.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик химоя усулини қўллашни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 августдаги 460-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2025 йил 20 августдаги 520-сон қарори.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг “Аграр соҳани механизациялашни давлат томонидан рағбатлантиришни рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 29 августдаги 549-сон қарори.

